



Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Ёлғизлик –
ҳалокат, лекин у
тақдир синовининг
ҳаммасини
бошига тушиши
мумкин бўлган
усулидир

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 24-dekabr, payshanba, 150-151 (23.430-23.431)-sonlar



Ҳоким каттақўрғонлик ёшлар билан учрашди

Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов кеча Каттақўрғон шаҳридаги 11-умумий ўрта таълим мактабида ёшлар билан учрашди.

Тадбирда 100 нафарга яқин йигит-қизлар иштирок этди. Улар асосан ишга жойлашиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кредит олиш, уй-жой, таълим соҳасидаги муаммолар юзасидан вилоят ҳокимига мурожаат қилди.

Вилоят ҳокими маҳалламизга келиб биз билан учрашиши мени ҳам қийнаб келаятган бир муаммонинг ечилишига ёрдам берди, - дейди Нокис маҳалласида яшовчи Фарангиз Қудратуллаева. - Бу йил пандемия сабаб оиламиз моддий жиҳатдан қийналиб қолгани учун таълим кредитига эҳтиёжим бор эди. Бугун ҳоким кўмаги билан «Микрокредитбанк» шаҳар филиали томонидан кредит ажратиладиган бўлди.

Учрашувда ёшлар томонидан билдирилган 73 мурожаатнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Муддат талаб қилинадиганлари бўйича мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Вилоят ҳокими Ингичка шаҳарчаси ёшлари билан ҳам учрашди.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Газ босими 30 фоизгача оширилди, бироқ...

Шу йил 16 декабрь куни республика-ми Президенти Ш.Мирзиёев раислигида қишга тайёргарликда йўл қўйилган камчиликларни ҳал этиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари газ экспортини қисқартириб, қунига 7-8 миллион куб метр табиий газ қўшимча равишда худудларга йўналтирилиши ҳисобига аҳоли эҳтиёжларини қондириш юзасидан кўрсатма берди.

Йиғилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш, истеъмолчиларни куз-қиш мавсумида табиий газ билан бир маромда таъминлаш мақсадида филиали-мизда зарур режалар белгилаб олинди.

Бугунги кунда вилоятимизда 773 мингдан зиёд газлашган хонадон мавжуд бўлиб, улардан 293 минг 677 таси табиий газ билан таъминланган. Табиий газ этиб бормайдиган 479 минг 339 хонадонга сувоқланган газ етказиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари берган топшириқдан кейин табиий газ таъминлиги мавжуд худудларга қўшимча лимит ажратилди. Жумладан, Самарқанд шаҳрида аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига етказилаётган табиий газ таъминотини яхшилаш мақсадида «Самарқанд-1» газ тақсимлаш шохобчасидан

соатлик газ сарфи 82,7 минг метр/кубдан 88 минг метр/кубга, «Самарқанд-2» газ тақсимлаш шохобчасидан 17 минг метр/кубдан 18,3 минг метр/кубга, «Самарқанд-3» газ тақсимлаш шохобчасидан эса 5,4 минг метр/кубдан 7,6 минг метр/кубга кўтарилди. Шу каби Каттақўрғон шаҳар, Жомбой, «Тойлоқ-1», Ургут, Пахтачи, Иштихон, Пайшанба, Қўшрабат газ тақсимлаш шохобчаларида соатлик газ сарфи 10 фоиздан 30 фоизгача оширилди.

Бундан ташқари, жойларда табиий газ босимини меъёрга сақлаш мақсадида шаҳар ва туман ҳокимлари билан биргаликда ишчи гуруҳлар тузилиб, жойларда хонадонларда ноқонуний равишда ўрнатилган сўргич (насос)ларни олиб ташлаш бўйича зарур ишлар ташкил этилди.

2-саҳифа >>>

Пайариқ давлат хизматлари маркази – янги бинода

Кеча Пайариқ туманида давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдимов, давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Энди туманимиз аҳолисига ҳам давлат хизматлари замонавий бинода кўрсатилади, - дейди туман давлат хизматлари маркази раҳбари Дилшод Сувонов. - 3,2 миллиард сўм маблағ эвазига «Қўбил Курувчи Сервис» масъулияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилган бино замонавий сэндовч панелдан тикланган. Умумий майдони 860 квадрат метр бўлган бинода бир-бирига устун ўрнатилмаган. Бир вақтнинг ўзига 16 нуқтада аҳо-



лига тезкор ва сифатли давлат хизматлари кўрсатилади.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида бинода болалар майдончаси, кутубхона, инвесторлар учун хоналар ажратилган. Бешта монитор орқали электрон навбатни кузатиш имконияти мавжуд.

Марказда шунингдек, Бош вазирнинг тадбиркорлар қабул-диагностика ва маъмурий хизматлари, нотариус, миграция ва фуқароликнинг расмийлаштириш

бўлими, ҳайдовчилик гувоҳномалари бериш хизмати фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Тадбирдан сўнг туман табиёт бирлашмасининг янги қабул-диагностика ва маъмурий биноси очилди.

Шу куни Оқдарё туманида ҳам давлат хизматлари марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Ўз мухбиримиз.

Бозорда нарх қандай?

Янги йил байрамига тайёргарлик авжиде. Байрам дастурхони тўқин бўлиши учун ҳамма бозорга ошиқади. Бозордаги нарх-наво эса кўпчилиكنинг режаларини ўзгартириб юборди. «Сиеб деҳқон бозори»да бўлиб, маҳсулотларнинг нархлари билан қизиқдик.

Дастлаб бозор чеккасидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг норасмий савдо растансини кузатиб, сўнгра камера ёрдамида яна шу маҳсулотлар нархини сўрадик. Сотувчилар камерани кўргач, цитрус меваларнинг нархини «анча туширди». Лекин мевалар одатдагидан барибир қиммат, қолаверса, сотувчилар бозор худудиде эмас, йўлнинг ёқасида расталар ташкил этиб савдо қилишмоқда.

Авалл «Янги бозор»дан улгурчи нархда маҳсулот олиб келиб шу ерда сотардик, харажатлар ҳам камроқ бўлгани учун нарх ҳам унча қиммат эмас эди, - дейди сотувчи Мустаҳкам Самиева. - Ҳозир бозор бошқа жойга кўчди, табиийки, маҳсулот олиш, йўл ҳақи ва бошқа харажатларимиз кўпайгани учун меванинг нархи ошди. Агар бозорнинг ичкарисида савдо қилсак қунига 17 минг сўм чек тўлашимиз керак, бу ҳам харажат. Ўзимиз шу маҳаллада турамиз, уйимизнинг олди бўлгани учун дарвозамиз олдида савдо қилаймиз.

Бозор ичкарисидаги нархлар билан қизиқдик. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мавсум давомида деярли ўзгармаган, фақат мева ва цитрус маҳсулотлар нархи анча ошган. Масалан, бозорда кичик мандарин 43-48 минг сўмдан сотилмоқда, бу маҳсулот нархи ўтган йилга қараганда икки баробар ошган. Ананас ҳам 20 минг



сўмга қимматлаган. Шу йилнинг ноябрь ойи ўрталаридаги нарх билан солиштирганимизда помидор ва бодринг деярли 3 баробарга ошган.

Уч-тўрт кун аввал бозор қилгандик, бугун келсак яна нархлар ошибди, - дейди Самарқанд шаҳри Мулиён маҳалласида яшовчи Санжар Тагиров. - Масалан, помидор 6-7 минг сўм эди, ҳозир килограмми 10 минг сўм, банан ҳам 2-3 минг сўм қимматлаган. Гўшт арзонлабди, лекин ҳали харид қилмадим, қанча суяк қўшишини билмайман.

Тўғри, сотувчи ҳам тадбиркор ҳисобланади, тадбиркорнинг фаолиятига аралашиб бўлмайди. Лекин байрамлар олди нархлар кўтарилиши ҳар қандай харидор-

га қийинчилик туғдиради. Шунинг учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркаси, ишлаб чиқариш корхоналари томонидан маҳсулотлар савдоси ва бозорлар қошидаги тайёрлов савдо ташкилотлари томонидан арзонлаштирилган маҳсулотлар савдоси ташкил этилди. Хайриятки, бу ҳаракатлар олибсатарлар нархни осмонга «учириб» юборишидан сақлаб турибди.

Бозорда маҳсулот тақчиллиги ва нарх ошиб кетишининг олдини олиш учун Булунғур, Тойлоқ ва Самарқанд туманларидаги фермер хўжаликлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиб, маҳсулот келтириб сотишни ташкил этганимиз, - дейди «Сиеб деҳқон бозори» қошидаги тайёрлов савдо корхонаси раҳбари Норбой Сатторов. - Корхонамиз томонидан қунига 12-13 миллион сўмлик маҳсулот сотилмоқда. Мисол учун, 200 тонна картошка, 30 тоннадан гуруч ва сабзи маҳсулотлари савдоси ташкил этилди. Тадбиркорлар билан цитрус меваларни келтириб минимал нархда сотишни йўлга қўйдик. Чорвачилик фермер хўжаликлари билан шартнома асосида 53-55 минг сўмдан гўшт сотилмоқда. Қолаверса, вилоятимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари ҳам салқин ва спиртли ичимликлар, ўсимлик ёғи, тухум, парранда гўшти ва бошқа зарур маҳсулотларни арзон нархда келтириб сотмоқда.

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Хусан ЭЛТОВЕВ.

Юртимизда ўтказилаётган ёшлар фестивали доирасида Самарқанд шаҳридаги касб-ҳунар мактабида «Меҳр-эйтиборга муҳтож ёшларга меҳр улашиш – олийжаноб фазилат» деб номланган хайрия акцияси ташкил этилди.

Ўқувчиларга совға берилди

Вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси томонидан вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирга вилоятдаги касб-ҳунар мактабларида таълим олаётган 74 нафар ногиронлиги бўлган, ота-онасиз ўқувчилар, кам таъминланган ва ижтимоий кўмакка муҳтож оила фарзандлари тақдир қилинди.

Вилоят прокурори Р.Машарипов, касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармаси бошлиғи А.Насимовлар ёшларни Янги йил байрами билан табриқлади, юртимиздаги ҳеч бек ёш давлатимиз эътиборидан четда қолмаслигини таъкидлади. Ташкилотчилар томонидан ўқувчи-ёшларга иссиқ кийимбош ва байрам совғалари топширилди.

Байрам болаларники

«Қим Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша» шиори остида ватанпарварлик ойлиги тадбирлари давом этмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази кўмондонлиги Самарқанд шаҳридаги 61-эшитишда нуқсонсиз бор болалар махсус мактаб-интернатининг ўқувчи-ёшлари учун марказга саёҳат ташкил қилди.

Саёҳат давомида ёшлар ҳарбий хизматчиларга яратилган шарт-шароит, қурол-аслаҳалар кўргазмаси билан танишиб, машғулотларни кузатиди.

Тадбир якунида марказ томонидан болажонларга Янги йил совғалари улашилди.

Хусан ГОЗИЕВ.

Отасининг нафақасига яшаётганлар...

Меҳнат қилиб, жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилиш тушунчаси улар учун бутунлай ёт. Чунки текин томоқ бўлиб, бировга суяниб яшашга одатланиб қолишган. Ўзим гувоҳ бўлган ҳолатни келтириб ўтсам.

Маҳалламизда беш кишидан иборат оила бор. Оиланинг яшаш шароити оғир. Оила бошлиғи соғ-саломат, меҳнатга лаёқатли бўлса-да, ишламайди. Маҳалламизда фаоллари келишиб иш топиб беришди, лекин ёшлигидан ишлаб ўрганмаган эркак бунга чидамай, ишни ташлаб кетди. Оилада пенсионер ота бор, рўзгор ёши бир жойга бориб қолган отахоннинг пенсия пули эвазига. Оиладаги аёл бечора пенсиячи у ойдан бу ойга етказаман деб овера. Ҳолбуки, фарзандлар катта бўлмоқда, эҳтиёжлар кундан-кунга ортаётпти, аммо оила бошлиғининг парвоига келмайди. Пенсионер отахон ўғлини тарбиялашда

меҳнатга ўргатмагани, илми қилмаганидан афсусда.

Жамиятимизда шундай инсонлар борки, меҳнат қилишга кучи бор, соғлиғи жойида, лекин дангаса. Ўзимга яқин таниш бўлган талабалар орасида ҳам шундайлар учрайди. Ўзи меҳнат қилмай, вазибаларни тўлиқ бажармай, хўжақўрсинга дарс қилади, яна домла билан баҳо учун тортишади.

Фикримизча, камбағалликнинг асоси дангасалик ва билимсизликдир. Меҳнат қилмасдан боқиманда бўлиб яшаш ёки пешонамга йўқисил бўлиб яшаш битилган экан, «берсанг ейман, урсанг ўламан»

қабилда яшаш ҳам камбағалликка сабаб бўлади.

Жамиятимизда шундай оилалар борки, топган тутгани билан фарзандини ўқитади, илми қилишга интилади. Яна шундай оилалар ҳам борки, пул топди дегунча дабдабали тўй қилиш ҳаракати тушади ё бўлмаса ҳашаматли уй қуради, машина олади. Лекин фарзандимни ўқитиб, ҳунарли ёки билимли қилай, халқимизга фойдаси тегадиган инсон бўлсин, бир кунига ярайди деган фикрлардан анча йироқдир.

Бу жамиятимизнинг энг оғрикли нуқталаридан бири. Уйлаб қарасам, камбағаллик даволаб бўлмас касаллик эмас, инсон меҳнат қилса, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланса, муҳтож бўлиб яшамайди.

Гулсиной АБДУЛЛАЕВА.

Хар бир ҳудуднинг рейтинг бали ва индекси бўлади

Бугун дунё миқёсида мамлакатлар тараққиётини белгиловчи 100 дан орტიқ рейтинглар амал қилади. Ўзбекистон улар орасида 24 тасида ўз ўрнини мустақкамлаш чораларини кўрмоқда.

Қайд этиш лозимки, бу ҳам кейинги икки йилнинг гапи. Шу ўринда савол туғилиши табиий - нима учун барчаси рейтингларда эмас? Негаки, бугунги ислохотлар замирида асосан инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қонун устуворлигини ўрнатил, бир сўз билан айтганда, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқимиз эртага эмас бугун бахтли яшаши керак, давлат идоралари халққа хизмат қилиши лозим, деган тамойил давлат сиёсатининг асосини белгилаб бермоқда, - дейди халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича вилоят кенгаши раиси Нозир Ибрагимов. - Шу боис, айни шу йўналишдаги 25 та рейтингда имиджимизни мустақкамлаш чоралари кўриломоқда. Хабарингиз бор, бу борада давлатимиз раҳбарининг фармони қабул қилинган. Қолаверса, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши баҳолаш рейтинглари йўлга қўйилди. Мазкур йўналишда тегишли кўрсаткичлар баҳолашиб, ҳудудлар "яшил", "сарик" ва "қизил" ҳудудларга ажратилмоқда.

Галдаги масала сиёсий-ҳуқуқий рейтингларни ишга туширишдан иборат. Мазкур йўналишда "Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳолатини аниқлашнинг самарали механизми жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент

қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Вилоят ҳокимлигида ташкил этилган йиғилишда мазкур қарор асосида йўлга қўйилиши кўзда тутилган янги тизим ҳамда тизимнинг индикаторлари ҳақида рефлексия берилди.

- Лойиҳада маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ устуворлигини таъминлашдаги масъулиятини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар назарда тутилган, - дейди Тошкент давлат юридик университети проректори Ахор Хошимов. - Яъни, 7 та индикаторга бириктирилган 32 та субиндикатор бўйича режалаштиришда аниқ жорий этилиши режалаштириляпти.

Мазкур индикатор ва субиндикаторларни кўрсатиб берувчи 179 та аниқ мезон мавжуд. Унинг 60 фоизи ёки 109 таси статистик маълумотлардан ташкил топади. Аниқроғи, янги ахборот тизимига 1 февралга қадар 23 та ташкилот томонидан мазкур мезонлар бўйича статистик маълумотлар киритилди.

Қолган 40 фоизи ёки 70 таси жамоатчилик ва соҳа мутахассислари ўртасида ўтказилаётган сўровлар натижасига асосланади. Бунда 1 мартга қадар Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ва "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ахборот тизими орқали 70 та мезон бўйича ижтимоий сўровлар ўтказилади.

Ахборот тизимига киритилган маълумотлар 1 майга қадар умумлаштирилиб, ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси тузилади.

Йиғилишда рейтинг кўрсаткичлар аввало, халқимиз ҳаётини энгиллаштириш, бошқарув тизимини либераллаштириш, давлат органларининг масъулияти ва самардорлигини оширишга қаратилгани таъкидланди.

- Аввало, бу бизга нима беради, деган саволнинг жавобини билиб олишимиз муҳим, - дейди Бош прокуратура ҳузуридаги марказ раҳбари Носир Асқаров. - Жорий қилинаётган рейтинг тизими ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш бўйича реал аҳволимизни кўрсатиб беради. Ўз навбатида келгуси ишларимизни режалаштиришда аниқ мезон бўлиб хизмат қилади. Негаки, янги тизимда йўлга қўйилаётган индикаторлар вилоят, туман ва шаҳар рейтинг кўрсаткичларини белгилашда инсон омили аралашувига ўрин қолдирмайди.

Масъул идора ва ташкилотлар 2021 йил 1 июнга қадар 2020 йил учун ҳудудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индексини аниқлаш ишларини якунлайди ва натижалари эълон қилинади.

Йиғилишда рейтинг тизими баҳо бериш методологияси, уни йўлга қўйиш бўйича саволларга республика ишчи гуруҳи томонидан батафсил жавоб берилди. Қатнашчилар шунингдек, янги тизим, бунга асос бўлиши кутилаётган Президент қарори лойиҳаси юзасидан ўз таклифларини билдирди.

Ё.МАРҚАЕВ.

Газ босими 30 фоизгача оширилди, бироқ...

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Натижада Самарқанд шаҳридан 51 та, Оқдарё туманидан 14 та, Иштихондан 14 та, умуман, барча туман-шаҳарлардан 114 та газ сўргич аппаратлари ишчи гуруҳ томонидан аниқланиб, ечиб олинди. Кузатишимизча, шундан сўнг маҳаллаларнинг охириги хонадонларига табиий газ етиб бориши меъёрга тушди. Айни кунларда бу ишлар давом эттирилмоқда.

Шунингдек, жойлардаги кафолатланмаган улгуржи истеъмолчилар тармоқдан узилди ва автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобча (АГТҚШ) лари тасдиқланган жадвал бўйича ҳар куни соат 17:00 дан 23:00 гача тармоқдан тўхтатилиб, иқтисод қилинган табиий газ аҳоли ва ижтимоий соҳа объектиларига етказиб берилмоқда.

Тўғри, бу каби тадбирларга қарамасдан айрим газ қувурларининг охириги нуқталаридаги истеъмолчиларга газ етишмовчилик ҳолатлари мавжуд. Бунга ҳам барҳам бериш мақсадида зарур чора-тадбирлар белгилаб олганмиз. Жойларда бу борадаги ишларимиз босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Олим ИСОҚУЛОВ,
"Ҳудудгаз Самарқанд" газ таъминоти филиали раҳбари.

Маҳалламиз 2010 йилда табиий газ тармоғидан узилганди. Етти йил ўтиб вилоят газ идорасининг режасига асосан яна тармоққа улашди. 2019 йилдан газ босими пасайиб, тармоқда узилешлар бўлди. Шундан сўнг мажбур бўлиб халқ қабулхонасига мурожаат қилдик, ахвол бироз ўнгангандек бўлди. Жорий йилдан яна эски ҳолат бошланди.

"Светимиз йўқ, газимиз паст..."



Бу масалада ёрдам сўраб вилоят газ таъминоти корхонаси раҳбарига мурожаат қилдик, лекин натижа бўлмади. Бунинг устига маҳалламиздаги газ ўлчаш ускунасидадан ўтаётган газ ўзимизга етмай турса-да "Самарқандшаҳаргазтаъминот" идораси ходимлари босимни кўпайтирмади, деб қўшни маҳаллага ҳам шу ускунадан газ улаб беришган.

Электр таъминотида ҳам шу ахвол, мурожаат қилсақ қуруқ ваъдадан нарига ўтишмайди. "Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти раҳбарининг имзоси билан 2019-2020 йилларда тармоқни

модернизация қиламиз, деган мазмунда хат берилган, лекин ҳалигача ҳеч иш бажарилмади. 2010 йилда учта темир бетон устун сўрагандик, 2019 йил октябрда келтириб ўрнатиб кетишди, лекин бир йилдан ошдики ҳамон симлари уланмади. Электр энергияси кунига 4-5 марталаб, бир неча соатлаб оғохлантиришсиз ўчирилади. XXI асрда яшаймиз, биз эса ҳамон ижтимоий муаммолар билан оворамиз. Бу муаммолар қачон ҳал этилади?

Фарҳод ЎЛМАСОВ,
Самарқанд шаҳри Хўжа Абду Дарун маҳалласи.

Мурожаатда кўрсатилган масалаларни тегишлилиги бўйича кўриб чиқиш учун "Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ ва "Ҳудудгаз Самарқанд" газ таъминоти филиалига юбордик. Электр тармоқлари корхонасининг техник директори вазифасини вақтинча бажарувчи А.Муталибовнинг имзоси билан келган жавоб хатда шундай дейилади:

"Президентимизнинг 2016 йил 23 ноябрдаги ПҚ-2661-сонли "2017-2021 йилларда паст кучланили электр тармоқларини реконструкция ва модернизация қилиш тўғрисида"ги қарорига асосан Самарқанд шаҳар Хўжа Абду Дарун маҳалласининг 0,4 кВли электр узатиш тармоғини реконструкция қилиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилишини билдираман.

Сизнинг нафақат ўзингизни, балки кенг жамоатчиликнинг электр энергияси таъминоти юзасидан қилган мурожаат ёки таклифингиз биз учун муҳим ҳисобланади ва албатта, сизнинг мурожаатларингиздаги масалалар бизнинг келгуси чора-тадбирларимизга вазифа сифатида белгилаб олинди."

Расмий хат билан мурожаат қилганимизга йигирма кундан ошган бўлса-да, "Ҳудудгаз Самарқанд" газ таъминоти филиалидан мурожаатга ҳали жавоб ололмадик.



"Ургут" эркин иқтисодий зонасида жойлашган "JM Plastik" корхонасида болалар учун турли хил ўйинчоқлар ишлаб чиқарилмоқда.

- Хитойдан ускуналар келтириб, 50 нафарга яқин ишчи билан маҳаллий хомашдан 80 турдан ортиқ болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқаришни бошладик, - дейди корхона раҳбари Ғайрат Тўраев. - Ҳозирда маҳсулотимизни ички бозордан ташқари, Россия, Қозоғистон, Тожикистон давлатларига сотаяпмиз. Яқинда Афғонистон билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Корхонамизда йилига 35 минг донагача маҳсулот тайёрланади ва унинг 60 фоизи, яъни 600-650 минг долларлик маҳсулот экспортга чиқарилади.

Б.РУСТАМОВ олган сурат.

Бугун олий таълим муассасаларида талабалар аънавий ёки онлайн тарзда таълим оляпти. Самарқанддаги аънавий дарс жараёнлари билан танишиш мақсадида айрим олий таълим даргоҳларида бўлдик.



Олий таълим муассасаларида ўқув бинолари етарлими?

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА

Бу ерда аънавий дарслар 1- ва 4-курс талабаларига ташкил этилган. Душанба, сешанба кунлари 4-курс талабаларига, ҳафтанинг чоршанба, пайшанба, жума, шанба кунлари 1-курс талабаларига аънавий дарслар бўлиб ўтмоқда. 2-, 3-курс талабалари эса онлайн тарзда таълим оляпти.

Шунингдек, магистратура йўналишида тахсил олаётган талабаларнинг фақат 1-курслари учун аънавий дарслар ташкил этилган.

Университетда дарс соатлари 80 минутдан 60 минутга қисқарган, хоналарни шомоллатиш учун танаффусга 20 минутдан вақт ажратилган.

Ўзбек филологияси факультетида ҳозирча дарслар бир навбатда ўқитилляпти. Агар 2- ва 3-курс талабалари ҳам аънавий дарсларга жалб этилса, дарслар икки навбатда ўқитилляпти. Рус филологияси, география ва тарих факультетларида ҳам ўқув хоналари камлиги боис барча курсларни бир навбатда ўқитиш имконияти йўқ. Математика факультетида шариот янада оғир.

- Биринчи курсларини 20 та гуруҳдан иборат, ҳозирча 511 нафарни ташкил этапти, - дейди ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари Ўткир Нишонов. - Ўқув хоналаримиз камлиги боис 1-курсларни икки навбатда ўқитаяпмиз. Агар 2- ва 3-курс талабаларига ҳам аънавий дарслар бошланса, аудиториялар етишмайди. Шунингдек, математика факультетида кечки таълим шакли талабалари учун ҳам аънавий дарслар бошланган. Уларга дарслар соат 17:00 дан 19:20 гача белгиланган.

Ўзбек филологияси, рус филологияси, география, тарих ва математика факультетларида аънавий дарсларда ҳар бир партада биттадан эмас, икки на-

фардан талаба ўтирибди. Агар талабалар партага биттадан ўтирса, жойлар етишмайди. Ҳатто ўзбек филологияси ва математика факультетларида умумий лекция дарсларида аудиторияда 2-3 тагача гуруҳ талабалари қатнашаётганига ғувоҳ бўлдик. Факультет раҳбарлари бундай ҳолатни ўқув хоналари етишмаслиги, гуруҳлар бўлиб ўқитилса, қўшимча дарслар учун иш ҳақи тўланмаслиги билан изоҳлади.

Бундан ташқари, университетда бу йил табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишни истовчи талабгорлар ҳам кўпайган. Масалан, рус филологияси факультетида 80 нафардан ортиқ, тарих факультетида эса 300 нафардан кўпроқ талаба табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган. Ушбу ҳолат ҳам ўқув хоналарининг етишмаслигига сабаб бўлган.

Бугунги кунда Самарқанд давлат университетининг 9200 ўринга мўлжалланган 11 та ўқув биноси мавжуд. Университетда кундузги, кечки, сиртки бўлим талабалари эса 27800 нафарни ташкил этмоқда. Маълумотларга кўра, бугун университетда аънавий дарсларга қатнашаётган биринчи ва тўртинчи курс талабаларининг сони 9 минг нафар атрофида. Ҳозирча ўқув бинолари етарли. Аммо талабалар аънавий дарсларга қайтарилса, ўқув хоналари етишмайди. Масалан, география факультетида бу йил 200 нафарни ташкил этади, асосида, 67 нафар табақалаштирилган тўлов-контракт асосида талабалар ўқишга қабул қилинган. Факультетда умумий талабалар сони 760 нафарни ташкил этади, ўқув хоналари эса атиги 11 та экан. Бошқа факультетларда ҳам ахвол шундай. Ушбу муаммо бир-икки йил ичида пайдо бўлмаган, балки йиллар давомида кузатилган. Бироқ, муаммога ечим топилмаган.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИДА



Институтда 1- ва 2-курс талабаларига аънавий дарслар ташкил қилинган. 3-, 4-курс талабалари яқуний назорат ишларини топширяпти.

Дарслар 60 минутдан бўлиб, танаффусга 10 минутдан вақт ажратилган. Дарслар икки навбатда олиб бориляпти.

Биз архитектура, қурилиши бошқариш, қурилиш факультетларидаги аънавий дарс жараёнларини кузатдик. Газ босими пастиги сабабли ўқув хоналари совуқ, иситиш батареялари ишламаяпти. Бўлажақ архитектор ва қурувчилар полининг бугёи кўчи кетган эски хоналарда тахсил оляпти. Ўқув хоналаридаги эшик, дераза, пол, шифтлар ниҳоятда эскириб кетган, замон талабларига жавоб бермайди.

- Институтнинг саккиз қаватли 1800 ўринли бош биноси капитал таъмирланяпти, - деди ўқув

ишлари бўйича проректор Абдуазиз Раҳимов. - Пандемия туфайли май ойидан буён таъмирлаш ишлари тўхтаб қолди. Бино таъмирига 43 миллиард сўм маблағ сарфланди. Ишлар тугагач, факультетларимиз замонавий шарт-шароитларга эга янги бинога кўчирилди.

Биз институтнинг таъмирланган биносини ҳам бориб кўрдик. Ичкари хоналар таъмирдан чиққан, баъзи хона жиҳозлари ҳам келтирилган. Фақат бинонинг ташқи қисмидаги ишлар чала.

- Бино 70 фоиз таъмирдан чиққан, фақат хоналардаги иситиш тизимини сошлаш ва ҳовлидаги чала ишларни тугатишимиз керак, - деди "Сармоя сервис" МЧЖ иш юритувчиси Мақсуд Халилов. - Аслида бино 4 августда топширилиши керак эди, маблағ тушагани боис ишимиз ортага сурилди. Энди 16 февралгача топширишни режалаштирганмиз.

Бугун институтнинг 2625 ўринли ўқув биноларида бакалавр йўналишидаги 5061 нафар талаба тахсил оляпти. Шунингдек, институтда 206 нафар магистратура, 800 нафар сиртки йўналишларда таълим оладиган талабалар ҳам бор. Бош бино фойдаланишга топширилса, ўқув бинолар сигими 4425 ўринли бўлади. Шунда ҳам талабаларни бир навбатда қамраб олиш имкони бўлмайди.

Ўқув хоналарининг етишмаслиги биргина Самарқанд давлат университети ёки Самарқанд архитектура-қурилиш институтида эмас, балки вилоятимиздаги бошқа олий таълим даргоҳларида ҳам оғриқли масалалардан бири ҳисобланади. Ҳар йили қабул квоталарининг оширилиши, қўшимча табақалаштирилган тўлов-контракт асосида талабалар ўқишга қабул қилиниши олий таълим муассасаларида ўқув хоналарининг етишмаслигига сабаб бўлмоқда.

Хўш, олий таълим даргоҳларида қабул квоталари режалаштирилаётганида табақалаштирилган тўлов-контракт асосида талаба ўқишга олинаётганда ўқув биноларининг сигими ҳисобга олинмайди? Ҳисобга олинса, нега янги, қўшимча бинолар қурилмаяпти?

Хуршида ЭРНАЗАРОВА,
Бахтиёр МУСТАНОВ,
«Зарафшон» мухбирлари.

238 мингга яқин фуқаро хорижга чиқиш биометрик паспорти олди

Бугун вилоят Матбуот уйида ташкил этилган матбуот анжуманида вилоят ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси бошлиғи Даврон Норчаев маълумот берди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 16 августдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир муҳим чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг кўра, 2019 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштириш бошланган. Фармонга кўра, 2021 йил 1 январдан хорижга, жумладан, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Тожикистон, Қирғизистон давлатларига ҳам хорижга чиқиш биометрик паспорти билан чиқиш белгиланган.

Вилоятимизда ҳозирги кунда бар-

ча туман (шаҳар)ларда хорижга чиқиш биометрик паспортларни расмийлаштириш пунктлари фаолият олиб бормоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳар ҳамда Ургут тумани ички ишлар органларида иккитадан ҳамда вилоят ИИБ миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг ўзида битта хорижга чиқиш биометрик паспорти расмийлаштириш ускунасидан фойдаланмоқда.

- 2021 йил 1 январдан чет элга чиқиш учун хорижга чиқиш паспорти бўлиши керак. Шу сабабли ҳозирда жойлардаги миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларида фуқароларнинг муро-

Матбуот анжумани

жаатлари ошиб кетди, - деди Д.Норчаев. - Пандемия шароитини инобатга олиб, фуқаролар чет элга кетишдан 15 кун олдин ҳудудий миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими (бўлима)ларига мурожаат қилишлари лозим. Хорижга чиқиш паспорти 0-1 ёшгача бўлган болаларга 2 йил муддатга, 16 ёшгача бўлганларга 5 йил муддатга, 16 ёшдан катталарга 10 йил муддатга берилади.

Шунингдек, жорий йилнинг 23 декабрдан бошлаб фуқароларга амалдаги биометрик паспорт берилиши ҳам тўхтатилди. Янги йилдан фуқароларга биометрик паспорт ўрнига ID карта берилади.

Матбуот анжуманида соҳа мутахассислари журналистларнинг саволларига жавоб берди.

Ўз мухбиримиз.

МАЪРИФАТ

АСҚАД МУХТОР БОҒИ

«ЎҒРИ»ЛАРИ



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор ўзининг ранг-баранг жанрлардаги насрий, лирик асарлари, жаҳон адабиётидан таржималари билан XX аср ўзбек адабиётининг ривожига салмоқли улуш қўшди. Гарчи ёзувчи сифатида танилган бўлса-да, унинг оригинал лирикаси ҳали-ҳануз ўзининг сеҳр-у жозибасини кўз-кўз этиб келмоқда.

Шеърни шоир қалбнинг таржимаи ҳоли дейдилар. Бу таржимаи ҳол саналар, рақамлар, факт ва маълумотлардан эмас, қалбнинг тепиниш ва талпинишларидан, изтироб-у қувончларидан, айрилиқ-у армонларидан, ундаги туйғу-кечинмаларнинг парвози ва поэтик мазмун касб этишдан таркиб топади.

Шу фактдан санъаткорона фойдаланиб, ялтироқ сўзларни маржондек териб, тўру минбарга ўзини урадиган, ҳавойий ўй-хаёллар билан юрадиган олчоқ кимсаннинг характерини яратди ва "ердан оёғи узилганни вазнсизлик ютаркан", дея теран хулоса чиқаради.

"Караграмма" шеърда эса келажак олдидаги жавобгарлик ва хавотир туйғусидан, умуминсоний дардлардан оғриган безовта қоракнинг мувозанатини йўқотган тепинишлари гоҳ қисқариб, гоҳ чўзилаётган кардиограмманинг синик чизиқларидан ўзлигини кўрсатади.

Асқад Мухтор лирикасида халқона шеърят аънаналари замонавий шеърнинг хусусиятлари билан уйғунлашиб кетади. Оламини поэтик идрок этишнинг янги манерасини юзага келтиради.

Мен дунёга кўз очган куним, Гулдасталар келган онамга. Тугилди деб хурсанд бўладиган Эл-юрт керак экан одамга.

"Эл-юрт" деб аталган мазкур шеър инсон умри ҳақидаги халқона фалсафанинг гўзал намунаси. Шоир шеърятда умумлаштириш бору умумий гап йўқ. Воқелиқдан танлаб олинган деталь, образ, метафора ёрдамида ички ва ташқи олам бир нуқтага жамланади.

Шоир шеърятини сўз танлаш ва ишлатишда ҳам намуна ва ибрат мактабидир. Баъзан поэтик фикрни ифода этишга эп кўрилмайдигандек туюладиган содда, халқона сўзлардан ноёб мўъжизалар яратилди.

У баҳорда қайтди. Самбит толларнинг Жўжа попуқ бўлиб гуллаган фасли. Ранги заҳил эди. Госпиталларнинг Деворлари сарғиш эмасми...

Аслида адабиёт норасо оламини бус-бутун, мукамал кўриш стагаи туйғули рўёбга чиққан бўлса, ажаб эмас. Шу истак боис Асқад Мухтор шеъринг изхор тарзининг ранг-баранг шакл ва услубларини синаб кўрди. Унинг шеърларидаги модернистик ёлдилар халқона лирика заминидан ўсиб чиқади.

Эртагу асотилар инсониятнинг романтик орзу-умидлари бешиги. Аммо улғайгач, инсон эртагу афсоналар руҳидан чиқиб кетолмас, ундаги рамзлар бир восита эканлигини англамаса, мўъжиза кутиб осмонга кўз тикиб ётаверса, ҳар кун қайта-қайталаб кўришиб, билишиб, сезилиб турган оддий ҳаётини мўъжизалар: "Арининг гулга кўниши", "қалдирғочнинг ин қуриши", "оддий қўшиқ хиргойиси" ҳам бир бахт эканлигини ташунамаса, бундай кишига ҳаёт машаққат...Шоирнинг "Мўъжизалар" шеъри шу ҳақида.

Ҳаётда мўъжизалар кам бўлади. Одамзод бор экан, романтик хаёллашадек яшайверади. Бироқ ўтмиш-ўтмиш, келажак эса ноаён. Бизнинг имконимизда фақат бугун бор. Асқад Мухторнинг лирик қаҳрамони бугуннинг одами, лекин у ўзига келажакнинг кўзлари билан қарайди. Ҳамма замон ва маконларда ҳам "дил ба ёру даст ба қор" энг яхши ақида эканлигини яхши ташунади, шу боис, ҳар қандай давр бўлмасин, бугундан, шу ондан, шу лаҳза ва дақиқадан баҳра олишга, унинг қадрига етишга, ҳо-ю-ҳаваслар йўлида умрни маъносиз ўтказмасликка даъват этади. Бу лирик қаҳрамоннинг руҳий безовталиги ана шундан. Шу сабаб халқ мақоллари моҳиятига ҳам янгича назар солади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор таваллудига 100 йил тўлди

Куч мени маҳкамроқ, сенинг оғушингда Мен ҳам жавоҳирга айлансам шояд. Чиганок ва унинг ичида туғилмаган жавоҳир алоҳида олинганда, илмий факт. Шоир ана шу фактдан қалбнинг энг нозик, инжа туйғуларини ифода этишда моҳирона фойдаланади. Ёки шоирнинг

Мен ҳўсиз йиқилсам, кўзларимни очинг - Қорачиқларимда уни кўрасиз, - сатрлари ҳам аънавий шаклнинг янги мазмун билан тўйинганлигини далиллайди.

Лирик қаҳрамон монологининг савол-жавоб асосига қурилиши, кўпинча оч қоғизга мурожаат, бармоқ вазида верлибрнинг зинапола шаклини қўллаш, лирик миниатюраларда муайян характерлар яратиш, ҳажмнинг сиқим, мазмуннинг салмоқдорлиги, интеллектуал фалсафийлик Асқад Мухтор шеърятининг хос аломатларидир.

Мухаммад Раҳмоннинг "Асқад Мухторнинг боғи" деган шеъри бор. Унда тасвирлианишича, шоирнинг боғидан бир болакай қўйини тўлдириб мева ўғирлаб чиқади. Лирик қаҳрамоннинг нега ўғирлик қилаясан, деган саволини жавобсиз қолдириб, болакай қочиб кетади. Шунда Мухаммад Раҳмоннинг лирик қаҳрамони болани чўчитиб қўйганидан афсус чекиб, шоир дўстларимиз билан ўзимиз ҳам вақтида бу "боққа", яъни Асқад Мухторнинг шеърят боғига кўп бор "ўғирликка" тушгандик, дея ўйга толади.

Чинакам шеърятни туйғуларнинг тарбиячиси, қалбларнинг мураббийси дейишади. Асқад Мухтор лирикаси ана шу жиҳатлари билан кадрли ва аҳамиятлидир. Шавкат ҲАСАНОВ, филология фанлари доктори.

Мен ҳўсиз йиқилсам, кўзларимни очинг - Қорачиқларимда уни кўрасиз, - сатрлари ҳам аънавий шаклнинг янги мазмун билан тўйинганлигини далиллайди.

Мухаммад Раҳмоннинг "Асқад Мухторнинг боғи" деган шеъри бор. Унда тасвирлианишича, шоирнинг боғидан бир болакай қўйини тўлдириб мева ўғирлаб чиқади. Лирик қаҳрамоннинг нега ўғирлик қилаясан, деган саволини жавобсиз қолдириб, болакай қочиб кетади. Шунда Мухаммад Раҳмоннинг лирик қаҳрамони болани чўчитиб қўйганидан афсус чекиб, шоир дўстларимиз билан ўзимиз ҳам вақтида бу "боққа", яъни Асқад Мухторнинг шеърят боғига кўп бор "ўғирликка" тушгандик, дея ўйга толади.

Чинакам шеърятни туйғуларнинг тарбиячиси, қалбларнинг мураббийси дейишади. Асқад Мухтор лирикаси ана шу жиҳатлари билан кадрли ва аҳамиятлидир.

Шавкат ҲАСАНОВ, филология фанлари доктори.

Янги китоблар Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида рисола

Замонасининг етук арбоби, жадидчилик ҳаракатининг етакчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги муносабати билан "Зарафшон"нинг Беҳбудийси" китоби нашрдан чиқди (Тошкент шаҳри, "Sahhof" нашриёти, 2020 йил).



"Зарафшон" газетаси туркумидан "чоп этилган ушбу китобдан Беҳбудийнинг ўзи таъсис этган "Зарафшон" (номлари турли даврларда турлича бўлган) газетасида унинг шонли ҳаёт йўли ҳақида босилган мақолалар ўрин олди. Шунингдек, унинг турли йилларда мактаб, мадраса, миллат, маънавият, тил ҳақида ёзган ҳаққил қоралмалари "Беҳбудий дейдики..." сарлавҳаси остида берилган.

Китобни ўқиган киши Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг Марказий Осиёдаги жадидчилик ҳаракатидаги ўрни, Туркистон эиёлилари, хориждаги бундай ҳаракат фаоллари билан мустаҳкам алоқа ўрнатгани, том маънода миллат жонқуяри экани, ўқувчилар учун алифбо ва бошқа кўплаб дарслиқлар ёзиб, чоп эттиргани, географ сифатидаги изланишлари ва Самарқандда миллий матбуотимиз тамал тошини қўйгани ҳақидаги нодир маълумотларга эга бўлади.

Китоб буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий илмий-маънавий, ижодий меросини ўрганиш ва тарғиб этишда тадқиқотчиларга зарур манба, китобхонларга манзур асар бўлиб қолади.

"Самарқанд мушоираси"

Шу йил Тошкент шаҳрида "Sahhof" нашриётида чоп этилган яна бир китобнинг номи шундай аталди.

Ёшлар баъзидан иборат мазкур китобда ҳаёт завқи, сўз лаззатидан баҳра олиб, адабиёт қасрининг эшигини қоқатган самарқандлик навқирон авлод вакилларининг ижод намуналари жой олган. Китобдан ўрин олган шеър машқлари ўқир экансиз, ёшлар ижодидида мумтоз бадиият сарчашмаларидан баҳрамандлик, хусусан, кўҳна аруза мурожаат сезиларли даражада ортганини ҳис этасиз. Шунингдек, ёш ижодкорлар миллий руҳиятни халқона оҳанглар орқали тасвирлашга интиланган. Ёшлар шеърятда устоз шоирлар ижодий тажрибасини ўрганиш, назмда улар яратган мактаб аънавларини давом эттириш, шунинг баробарида ўз овозига эга бўлиш йўлида мунтазам изланиш олиб бориш тенденцияси кузатилаётганига гувоҳ бўласиз.

Қорасувни яёв кезганда...

Қорасув масканига кўчиб келганимга бир ҳафта бўлибди ҳамки янги шаҳарчани томоша қилишга вақт топганим йўқ.

Уйда китоб ўқиб ўтирган эдим, эшик кўнғироғи жириглаб қолди. Очсам Тохир дўстим. Ичкарига таклиф қилдим, кирмади. «Юр, шаҳарни айланаб чиқамиз» деди иштиёқ билан. Айни мудоао бўлди, дея дарҳол кийиниб чиқдим.

Тохир кадрдон дўстим, ўн йил бир синфда ўқиганимиз. Қишлоқда ҳам ўртамазда бор-йўғи учта хонадон бор. Бу ерда эса орамиз янаям яқинроқ. У Қорасувга мендан икки ой олдин кўчиб келганлиги сабабли йўл бошловчи бўлди.

Барча қулайликларга эга бўлган, бир-биридан қиройли кўп қаватли биноларнинг жуда қисқа вақтда қуриб битказилганлиги, равон кўчалар, болалар ўйингоҳлари дейсизми, бинолар олдидаги қўқаламзорлаштириш ишлари-ю автомобиллар учун махсус жойлар дейсизми, ҳаммаси турмуш фаровонлигимиз учун қилинган. Амалга оширилаётган ишлар ҳақида биримиз қўйиб, биримиз мактаб чамаси бир соатларда шаҳарчани айланаб чиқдик.

Обод ва гўзал манзаралардан кўзингиз яшнаб, дилнингиз яйраса, баъзи ноҳуш ҳолатларни кўриб кўнғилнинг хира тортади.



Аввало, Қорасув масканининг номланиши хусусида масканининг номида кўнғилга хира қиладиган ҳолат бўлмаса-да, қўйиладиган ном ўша жойнинг географик ёки этнографик ҳолатларига мос бўлиши лозим деб ҳисоблайман. Халқ тилида айтганда исми жисмига мос бўлиши керак.

Қорасувдан қўйи томон озоқ юрсангиз Зарафшоннинг бир ирмоғи «Қорадарё», қўйи томон яна 10 километр чамаси юрсангиз «Қоратери», яна шунча юриб ўнг томонга 4-5 километр кирсангиз «Қороботир», нарироқда эса «Қорахўжа», туман марказидан чап томонга кетсангиз яна битта «Қоратери» ва «Қоратухум» ҳамда Иштихон туманига

Мулоҳаза, мунозара



чегарадош «Қорахитой» деган жойимиз ҳам бор. Бу «қора»ларнинг барчаси, албатта, қишлоқларимиз номи. Барча «қора»ларнинг худудини бирлаштириб турадиган туманиси номи эса Оқдарё! Шунисиғаям хурсандим!

Яна Қорасувга қайтадиган бўлсак, бу гўзал шаҳарга Қорадарё соҳили бўйлаб қурилаётганлиги сабабли уни «Сўлим соҳил» маскани деб аташ мақсадга мувофиқ бўлар эди (соҳил атамасини дастлаб Самарқанд давлат университети тарих факультети профессори Бахтиёр Эргашев айтганлигини эслаш ўринлидир). Мен келажакда дарё соҳили сўлим, салқин ва оромбахш бўлишига ишора қилиб, «Сўлим соҳил» деб аташни ўринли деб ҳисоблайман. Ҳали бундан-да маъқулроқ таклифлар чиқиб қолар, балки.

Мени узоқ йиллардан буён ўйлантириб келадиган бир муаммо борки, у ҳам бўлса одамларимизда кўпчилик бўлиб яшаш маданияти ва кўнчимасининг ёмон ҳолатда эканлигидир. Шаҳар кўчалари бўйлаб айланарканмиз, дуч келган жойга ташланган ниқоб ва турли қоғоз чиқиндилар дейсизми, йўлақлар четдаги яшил майсзорларнинг пайҳон қилиниши дейсизми, синдирилавериб мажруҳ аҳволга келтириб қўйилган арча ва каштан кўчатлари дейсизми, хуллас, кўнғилни хира қиладиган бундай ҳолатни ҳамма жойда кўриш мумкин. Замонавий, ял-янги шаҳарчага муносабат шундай бўлса, билмадим буни қандай изоҳлаш мумкин?! Афсуски, республикамизнинг деярли барча катта-кичик шаҳарларида ҳам «ҳазим» қилиб бўлмайдиган бундай ҳолатни кўриш мумкин.

Тохир дўстим билан яна озоқ юриб, йўл четига қўйилган чикинди қутилари ақинида тўхтадик. Бу ерда ҳам ўша манзара - одамлар елим халтачаларда олиб келган чикиндиларни қути яқинига келмасданок улқотдириб кетишапти. Лифт ва зиналардаги манзаралар ҳам қувонарли эмас.

Кундан-кун ҳам бўйига, ҳам энига кенгайиб бораётган бу мўъжазгина шаҳарчада озодаликнинг энг намунавий ва юксак элементларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга таъбиқ этиш шу ҳудудда яшовчи ҳар бир кишининг бурчидир. Бунинг учун маҳалла ва унинг фаол оқсоқоллари, фидойи ёшлар, шунингдек, шаҳар жамоатчилиги оёққа туриши керак.

Ўқтам ИКРОМОВ.

Кўпдан буён қутилаётган «ўқитувчи мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эълон қилинди. Йиллар давомида тўлланиб қолган муаммоларга барҳам бериш томон дадил қадам қўйилди. Энди яхши ўқитувчи - маърифатли муаллим мақоми ҳақида қийналмасдан, жиҳолатсиз, ҳатто катта қониқиш билан гапириш мумкин бўлади.

Маърифатли муаллим мақоми

Яхши ўқитувчи болалар билан мулоқотда чирой очади, ҳамкасблари тажрибасидан илҳомланади ва муролаа эҳти-ёжи билан яшайди. Унинг ҳар дарси нимани ўргатаман - мақсад аниқлиги, қандай ўргатаман - услуб мукамаллиги, ўргата олдимми - таҳлил тиниқликлари мазмунида дунёга келади ва юксала боради. Салоҳиятли ўқитувчи ўз фанинигина эмас, ўқитаётган болаларини, уларнинг оилаларини ҳам мукамал билади. Бундай устоз жамоада, ота-оналар нигоҳида катта обрў қозонади, ҳаммаси шогирдлар даврасида эришилган нуфуздан бошланади. Бу ўқиткилар ўқитувчи мақомининг олмос қирралари - ўн икки мучасидир. Уларнинг ҳар бири заррада нур акс этганидек, таълим жараёнида жиҳоланиб, товляниб туради - мукамаллик манзиллари томон боради.

Умумий ўрта таълим - ота-оналар ва жамоатчилик ҳам-корлигида маърифатли мулоқот маданиятини шакллантириш меҳнати. Бу жараённинг катта қисми ўқитувчи зиммасига тўғри келади. Ўқитувчи - юртнинг бугуни ва эртанги кунининг нурафшон бўлишига ҳисса қўшувчи табарруқ зот, фидойи сиймо. Ҳақиқий ўқитувчининг бутун фаолияти энг самарали ўргатиш, ўқувчилар учун эса нисбатан осон ўрганиш муҳитини кашф қилишга қаратилган бўлади. Бу узвийликни таъминлаш учун хонада ўтириб хаёлот дунёсига фарқ бўлиш ёки китоб титкилашнинг ўзи кифоя қилмайди. Барча яхши усуллар ўқувчилар билан ишлаш жараёнида пайдо бўлади, ижодий тетиклик шавқидан дунёга келади. Шунинг учун ўқитувчи маҳорати ҳамма вақт ҳам алоҳида истеъдод сатҳи билан алоқадор тушунча эмас, таълим бериш жараёнида юзага келган мураккаблик ва қийинчиликларни ижобий ҳал қилиш билан боғлиқ ғоят катта изланишлар самараси - меҳнатдан

қочмайди. Болаларни хурсанд қилиш учун жуда кўп нарсалар керак, аммо улар шундай ажиб хилқатки, ўрни келганда бир чимдим меҳр, эътироф этилган кичкина муваффақиятдан ҳам шодлик оғушида энтикишади. Кўпинча уларга худди ана шу нурли онларни меҳрибон ўқитувчиси тортиқ қилади.

Рисоладаги ўқитувчининг дунёга келиши учун ғоят катта меҳнат ҳамда вақт керак бўлади. Кейинги йилларда қалтис бир вазиятга рўбарў кела бошлаган эдик: ўрта-маҳсус маълумотли ўқитувчиларимизнинг семимли касбларидан ажралиб қолиш хавфи юзага келди. Лойиҳада уларни ОТМларга имтиёзли қабул қилишнинг кўзда тутилиши катта адолат ва инсонпарварлик намунаси бўлди. Меҳнатда тобланган тажрибали бундай устозлар учун тахсил билим ва малака оширишининг алоҳида йўналишларидан бирига айлангани маъқул.

Энди ҳамма гап таъмагирлик муҳитини шакллантирмасдан тадбирни шаффоф амалга оширишимизда қолди.

Илаш АБДИЕВ.

Ёлғон гапирмаслик мумкинми?

Ёлғоннинг катталар ва болалар орасида худди юқумли касалликлар эпидемияси мисоли сездирмасдан тез кўпайиб, тарқалиб бораётгани мени шифокор сифатида қаттиқ ўйлантиради. Ўнлаб невараларим бор, аммо улар орасидан ёлғон гапирмайдиганини топиш амримаҳол.

Олайлик, ўқувчи мактабда аълога ўқиса-ю аммо ёлғонни «судвай ичи» турса, бундан нима наф? Ўқитувчи катта иқтидор, яхши илмига эга бўлса-ю шогирдлар орасида «ёлғонни муаллим» деган қусурга эга бўлса, буёғи қандоқ бўлади? Мактабда ўқиганимизда бир оғиз ёлғон гапимиз учун сазойи қилишарди. Ҳозир-чи? Ё Раб, агар шифокор беморига ёлғон гапирса, уни таъма илинжида ёлғондакам даволаса, қиёмат бўлмайдики?

Бир варақлаб қаранг, «Ўзбек халқ эртақлари»да ёлғончиликни келтириб чиқарадиган қулфатлар хусусида ўнлаб тарбиявий эртақ, афсоналар бор. Катталарни қўя туринг, ҳозир ўқувчи эртақ китоб ўқийдими ўзи? Компьютер ёки телефон титкилаш билан оворами? Ёлғончилик бало-қазолари кўпая бурса, бундай мамлакатда, жамиятда одамлар ўртасидаги ўзаро ишонч, бирдамликнинг маҳв бўла бориши тайин. Ўтмишда ҳам шундай бўлган, ҳозир ҳам шу - одам одамга ишонмай қолади. Ота-онаси, оила даврасида ёлғонни «қалаштириб» ўтиргач, болада не гуноҳ? Қовун қовундан ранг олади.

Гапнинг очиги, ҳозирда ёлғон гапирмайдиган каттаням, кичикиям, нурунийиям топиш қийин бўлиб қолди. Ёлғон гапирши аллақачон одатий бир ҳолга айланиб бўлди ҳисоб. Хўш, унда нима қилиш керак? Муродим УМРЗОҚОВ.

ОЛАМ ВА ОДАМ

СИНОВЛАР ДАВРИ

Сиёсий шарҳ

торига тушиб қолди, минг-минглаб одамлар ҳаёт билан видолашди.

Адолат юзасидан айтиш керакки, Трамп даврида ижобий ишлар ҳам амалга оширилди, масалан, ишсизлар сони камайди, иқтисодиёт сезиларли даражада ўсди, ишлаб чиқариш корхоналари мамлакатга қайтарилди, қақнининг турмуш даражаси яхшиланди. Аммо йўл қўйилган хатоларнинг кўлами салмоқлироқ. Бу эса ўз навбатида АҚШнинг геосиёсий рақибларини илҳомлантириб юборди. Улар дунёда АҚШнинг мавқеи тушиб кетганлигидан усталик билан фойдаланишди.

Трамп АҚШни НАТОдан чиқариб, ушбу ҳарбий-сиёсий ташкилотни тарқатиб юбориш мақсадга мувофиқлиги ҳақида гапира бошлади. Американи бундан буён дунё ишларига аралаштирмасдан, фақат ички сиёсат билан шуғулланажаги ҳақидаги ниятларини яширмади. Бу эса, алақоқибат, АҚШнинг қоллишига ниҳоят улкан ҳисса қўшган. Бу ҳақда тарих дарсликларидан лом-мим дейилмас-да, ўтган асрнинг 30-йилларида амалга оширилган мамлакатнинг индустриалаштириш деярли тўлиқ Ғарб кўмаги ва технологиялари асосида бўлганлиги сир эмас. Ўша даврда СССРда тикланган бир-бир йирки саноят иншоотини олиб қараманг, барчасида Ғарб мамлакатларининг ёрдами кўрасиз. Тўғри, капиталистлар бу учун жараж-жараж фойда кўрганлари бор гап. Аммо рус тарихчиларининг ушбу бунёдкорлик ишлари нуқул совет халқининг фидокорона меҳнати билан бўлган деган иттифоқчилар ҳақидаги тўғри келмайди. Кейинчалик СССР халқларининг иккинчи жаҳон урушидаги ғалабаси ҳам АҚШ, Буюк Британия, Канада ва бошқа иттифоқчиларнинг яқин ёрдами асосида бўлганлигини шахсан Иосиф Сталиннинг ўзи ҳам очик тан олиб айтган.

Социк иттифок парчаланиб кетгач, муҳтожлик ва очлик ёқасига келиб қолган Россия ҳамда бошқа иттифоқдош республикаларга биринчи бўлиб Ғарб мамлакатлари халқлари ёрдамга келди. Ўша оғир йилларда улар озик-овқат, кийим-бош тўплаб соғиб шўро республикаларига беғараз кўмак уюштиришди. Аммо биздаги ноинсоф тадбиркорлар ушбу ёрдамларни ҳам аҳолига пуллаб, бойлик тўплашдан гаштидилар. Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушади. Ўша йилларда дорихонадан эмлаш учун шприц ва эмигна сотиб олдим. Аммо ўрамдаги ёзувлар инглиз тилида бўлган боис хорижий тил ўқитувчисига ўқитиб кўрдим. Маълум бўлишича, унинг ёрлиғига: "Бу дори-дармонлар бепул тарқатиш учун мўлжалланган" деб ёзилган экан. Биз бу инсонпарварлик ёрдамлари дорифурушларга текин берилмаганини кейин билиб олдик.

Шу маънода, Ғарб мамлакатларининг заволини кўзлаш Кремль учун ўзи ўтирган шохни аралашга ўхшайди. Мабодо, эртага Россияга бирор кучли давлат томонидан тажовуз бўладиган тақдирда ҳам унга, энг аввало, Ғарб давлатлари ёрдамга келишлари аниқ. Бугунги кунда рус хонашесининг асосий харидорлари Ғарбда. Миллиардерларнинг тўплаган бойликлари ҳам Ғарб банкларидан сақланмоқда. Уларнинг болалари Ғарб мамлакатларидаги олий ўқув юртрадида тахсил олмақда, тоблари қочиб қолса, ҳаммалари Ғарб шифохоналари ва сиҳаттоҳларига давлатнинг учун ошқидилар.

Байденнинг президент сайловидаги ғалабаси Москва наздида нохуш натижа. Чунки Байден АҚШ сиёсатини янги асосда қуриб, инсон ҳуқуқлари масаласини яна кун тартибига қўймоқчи. Халққаро ҳуқуқ меъёрларини бузаётган давлатлар ҳам қуруқ қолмайдилар. Жаҳондаги бир қанча тоталитар ва авторитар давлатлар халққаро келишувларни бузгани учун сурункали санкцияларга тортилмоқда. Байден эса чекловларни янада кучайтирмоқчи. Қисқа қилиб айтганда бўлса, келгуси йиллар ҳам дунё халқлари учун жиддий синов даври бўлиши аниқ.

Худойберди КОМИЛОВ, "Зарафшон"нинг сиёсий шарҳловчиси.



Ўтиб бораётган эски йил дунё халқлари учун чинакам синов даври бўлди. Ер юзасини тумандек ўраб олган коронавирус балоси, атроф-муҳитнинг булғаниши, глобал иқлим ўзгаришлари, табиий ва техноген фалокатлар, катта-кичик қонли можаролар, муҳдиш қотилликлар, қўйингки, инсоният оромини бузаётган барча нохушликлар йил давомида ҳали у ерда, ҳали бу ерда содир бўлиб турди.



Шулар ҳисобига турли мамлакатларда бўлиб ўтган сайловларни ҳам киритиш мумкин. Беларус ва Қирғизистон республикаларидаги сайловлар охир-оқибат халқни жунбушга келтириб, у ерларда беқарорликни келтириб чиқарди. АҚШда бўлиб ўтган президентлик сайлови натижаларини нафақат мағлуб Трамп, балки дунёдаги айрим давлат арбоблари ҳам ижирганиб қабул қилишди. Масалан, Владимир Путин АҚШнинг янги президенти Жо Байденни юксак лавозимга сайлангани билан 15 декабрь кунини табриқлади. Бу борада Путин дунёдаги барча давлат арбоблари орасида энг охири бўлди, десак хато бўлмайди.

Ваҳоланки, у 2016 йилда Дональд Трампни сайлов натижаси чиқмай туриб, эртаси куниниёқ биринчилардан бўлиб ғалаба билан кутлаган эди. Ушундан Россия Давлат думасидаги депутатлар Трампнинг сайланишини гулдурас қарсақлар билан қувониб нишонлаган ва шампан тўла қадаҳларни жаранглатиб уриштиргандилар. "Раша тудей" телекомпаниясининг раҳбари Маргарита Симоньян эса Москва кўчалари бўйлаб АҚШ байрогини машинасига тақиб, айланиб чиққан эди. Симоньян яқинда "Эхо Москвы" радиоси журналистига берган интервьюсида буни қуйидагича изоҳлади:

"Мен Трампнинг ғалабасига тиш-тирноғи билан қарши бўлган америкалик ҳамкасбларимнинг мағлубиятидан жуда қувонганимни яширмайман. Бу америкаликлар ибораси билан айтганда, eric fail, яъни оламшумул воқеалиги туфайли бундан хурсанд бўлмасликнинг сира илжоси йўқ эди. Бунинг устига биз Дуня деб атаганимиз арбоб (Дональд Трамп) геосиёсий рақибимизни сиёсий инқирозга бошлаб, фуқаролар уруши ёқасига олиб борди. Ғарб мамлакатлари ичида обрўсини тўкиб, (АҚШнинг) асосий иттифоқчилари билан орасини бузиб, совуқчилик туширди. Россия фуқароси сифатида бу сизни хафа қилмас керак".

Ҳақиқатан ҳам Трамп президентлик даврида анчагина қовун туширди. Бундаги энг ёмон иш Америка халқининг иккита тенг қарама-қарши бўлакка бўлиб юборилгани бўлди. Шу пайтгача, гарчанд, республикачилар билан демократлар ўртасида баҳс-мунозаралар мавжуд бўлса-да, фундаментал масалаларда яқдиллик устувор эди. Аммо Трамп ушбу келишмовчиликларни янги сифат босқичига олиб чиқди. Ҳатто, бу икки партия тарафдорлари ўртасида қуролли можаролар ҳам келиб чиқди. Мамлакатда ирқчилик, миллатчилик, тоқатсизлик яна бош кўтара бошлади. Муҳожирачиларнинг ҳуқуқлари чекланиб ва одамлар ўртасида миллий, диний низолар тарғиб қилина бошланди. Бир вақтлар ягона қадриятлар асосида тинч яшаб келган оддий америкаликлар икки қарама-қарши гуруҳга бўлиниб кетди. Эндиликда Трамп учун овоз берган миллионлаб сайловчилар Байденга



Ҳеч қаерда ишламайман, оиламизда икки ёшга етмаган фарзандим бор. Шу боис, икки ёшгача бола парвариши учун ариза топширгандим, нафақа тайинлашни рад этилди. Сабаби нима?

С.РАШИДОВА, Тойлоқ тумани.

Икки ёшгача бола пули қандай ҳолатларда рад қилинади?

Оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлса-ю, оиланинг расмий даромади манбаи бўлмаса ва охириги олти ой мобайнида меҳнат органларига мурожаат қилмаган бўлса икки ёшгача нафақа рад этилади.

а) ариза берувчи ёки моддий ёрдам таъминловчи оиланинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охириги олти ой мобайнида меҳнат органларига мурожаат қилмаган ва ҳисобда турмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжудлиги;

б) ариза берувчи оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромадининг белгиланган мезонлардан кўплиги;

в) идоралараро электрон ахборот тизими орқали кадастр ахборот тизимида ариза берувчи ва унинг оила аъзоларида жами биттадан ортиқ кўчмас мулк мавжудлиги;

г) ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларида: ишлаб чиқарилган муддати 10 йилдан ошмаган, техник ҳолати соғ бўлган автотранспорт воситаси мавжудлиги; жами икки ва ундан ортиқ, техник ҳолати соғ бўлган автотранспорт воситалари мавжудлиги; д) даромадларнинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охириги олти ой мобайнида меҳнат органларига мурожаат қилмаган ва ҳисобда турмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжудлиги.

Ушбу мезонлар асосида тегишли нафақа ёки моддий ёрдам таъминлаш рад этилади, ариза берувчига «Ягона реестр» АТ орқали рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда электрон билдирিশнома (аризада кўрсатилган электрон манзилига ёки СМС-маълумот орқали мобил телефон рақамига) юборилади.

Абдурашид РАҲИМОВ, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи.

Қандли диабет ва сил ҳамроҳ касалликми?

Қандли диабет XXI асрнинг дунё миқёсидаги тиббий-ижтимоий муаммосидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунё бўйича қандли диабет билан касалланган 220 миллион бемор бўлиб, бу кўрсаткич 2025 йилга келиб 10 тадан битта одам қандли диабет билан касалланиши эҳтимолидан далолат бермоқда.

Қандли диабет бу - бутун организмда модда алмашинуви (ёғ, углевод, оксил) бузилиши, организмда инсулин миқдорининг етишмовчилиги натижасида қонда қанд миқдорининг кўтарилиши билан кечадиган касаллик ҳисобланади. Қандли диабет касаллигини келтириб чиқарувчи ҳавфли омилларга - ортиқча тана вазни, семизлик, наслии оилалик, кам ҳаракат ҳаёт тарзи, қон босими кўтарилиши, олдинги туғруқларда 4 кг дан ортиқ вазнда бола туғилиши кабилар қиради.



қасаллик асоратлари ногиронликка олиб келиши мумкин. Қандли диабет ва сил касаллигига учраган беморлар ўз вақтида фтизиатр назоратида муолажаларни узлуксиз равишда қабул қилса, касалликдан батамом фориг бўлиш имконияти мавжуд.

Касалликка чаалинаслик учун ҳар бир киши доимо тўғри овқатланиши, мунтазам бадантарбия билан шуғулланиши, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя этиши, зарарли одатлардан чекланиши ҳамда руҳий зўриқишлардан сақланиши лозим.

Қаландар ҚҲЙЛИЕВ, Санжар ҲАЙДАРОВ, вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази шифокорлари.

Ленин мақбарасининг келгуси тақдири ҳақида Россияда яна гап-сўзлар кўзғалди. Тарихий ҳужжатларда пролетариат доҳийсининг ўлимидан кейин жасадини нима қилиш кераклиги ҳақида васияти йўқ.

- Бундай васият бўлиши ҳам мумкин эмасди, - дейди Лениннинг жияни Ольга Ульянова хотираларида. - Ушбу мавзуда оиламизда ҳеч қачон гап бўлмаган. Владимир Ильич ҳали 53 ёшда эди. Ўлим эмас, ҳаёт ҳақида кўп ўйларди.

Хўш, унда Ленинни Қизил майдонда, мақбарда мумиёланган ҳолда абадий сақлаш фикри кимдан чиққан? Кўпчилик тарихчилар бу ундан кейин раҳбарликни қўлга олган И.В.Сталиннинг хоҳиши-иродаси эди, дейишди. Россия архитекторлар уюшмаси тахминига кўра бундай эмас экан. 1924 йилда Сталин партияда ҳали нуфузга эга эмасди ва агар шундай масалада фикр билдирса, бу унинг ҳокимият учун курашида қимматга тушарди.

Владимир Ленин 1924 йил 21 январда узоқ давом этган касалликдан сўнг Москва губернияси Подольск уезди, Горки кўрғонида соат 18 дан 50 дақиқа ўтганида вафот этди. Унинг жасади тобутда Москванинг Павелец вок-

Ленинни дафн қилмаслик фикри кимдан чиққанди?

залига келтирилди. Видолашув жойи Союзлар уйининг колонна зали бўлди. Дафн комиссияси шу заҳоти жиддий муаммога тўқнаш келди. Худудлардан видолашувга етиб келолмаган одамлардан маросимни узайтиришни сўраб сон-саноксиз телеграммалар кела бошлади. Кремль девори ёнида ўша пайтда инқилоб учун жангларда ҳалок бўлган қизил гвардиячилар дафн этилган жойга доҳий ҳам кўмиладиган бўлганди. У ерда 1919 йилдан испан гриппидан вафот этган Яков Свердлов қабри алоҳида кўзга ташланиб турарди.

Лениннинг жасадини сақлаш ҳақида жойлардан келатган таклифларда аввал бошда аниқ бир фикр йўқ эди. Тиббиётчилар амалда назарий жиҳатдан буни удраласа бўлишини айтишди. Шундан кейин баҳс-мунозара жонланиб қолди. Дзержинский, Молотов, Красин, Муралов таклифни маъқуллашди. Троцкий, Банч-Бруевич, Ворошилов қарши чиқишди, Крупская бу масалада узил-кесил кейинроқ қайтилишини билдириб, жасадни вақтинча сақлашга рухсат берди.

Биринчи ёғоч мақбарага Ленин жасадини 1924 йил 27



январда жойлаштиришди. Ўша пайтда ҳеч ким олимларнинг сазй-ҳаракатлари натижаси қандай бўлишини билмасди. Ўн йилми, йигирма йилми? Шу боис, жасадни абадий сақлаш ҳақида гап ҳам бўлмаган эди. 1924 йил В.Воробьев ва Б.Збарский раҳбарлигидаги лаборатория партиянинг XIII

съезди делегатлари ҳукмига жасадни узоқ вақт балъамлаштириш мумкинлиги ҳақидаги хулосаларини ҳавола этди. Сўнгра Ильични Коминтерннинг 5-конгресси делегатлари қўришга муваффақ бўлдилар. Самара ҳайратомуз эди - Ленин худди тирикдек ётарди.

Воробьев ва Збарский муваффақияти гранитдан Мавзолей-мақбара қуришга туртки бўлди. 1930 йилда мақбара қурилди. Ленин жасадини ерга дафн этиш ҳақида кейинги вақтларда тез-тез гапириладиган бўлиб қолди. Аммо фикр-мулоҳазалар, таклифларда яқдиллик йўқ. Бир томон жасадни дафн қилиш керак, деса, бошқа томон «Биз Ленинни мавзолейдан чиқариш каби экстремистик гоғни таклиф қилмаймиз, майли қанча хоҳласа, шунча ётаверсин... Аммо! Эртами кечми, албатта, жасад кўчирилди. Лениннинг ўзи уни Петербургдаги Волковск қабристонига, онаси ёнига дафн этишни васият қилган. Бунга бир неча сафдошлари - Крупская ва Бонч-Бруевичнинг гувоҳлиги бор», дейди.

Хуллас, Ленин мақбарасининг келгуси тақдири нима бўлишини ҳали ҳеч ким билмайди.

"АиФ" (2020 йил, 40-сон) асосида Т.ШОМУРОДОВ тайёрлади.

Тарих ва тақдир

БУГУННИНГ ГАПИ

O'ZBEK ALIFBOSI

qachon takomiliga yetadi?

Qonun va ijro

O'zbek tiliga davlat tili maqomi berilganiga 31 yil, yangi alifboni joriy etish to'g'risidagi qonun qabul qilinganiga 27 yil to'ldi.


Davlat tili va yangi alifboni joriy etish to'g'risidagi qonun ijrosi haqida gap ketganda, ayrim kishilar bu qonunlar ijrosi ta'minlanmayotganligidan nolaydi. Ammo "Davlat tili haqida"gi qonunni amalga tatbiq etish borasida o'tgan chorak asrdan ko'proq vaqt ichida katta ishlar amalga oshirilganligini inkor etib bo'lmaydi. Ona tilimizga nisbatan qo'llab kelingan qariyb bir yarim asrlik tahqir-u tazyiqlar, ijtimoiy-huquqiy cheklovlar batamom tugatildi. Ona tilimiz o'z yurtimizda tor - oila, bozor, to'y-hasham, mahalliy til doirasidan, keng - davlat miqyosida qo'llaniladigan tilga aylanibgina qolmasdan, millatlararo, davlatlararo muomala tili, hujjatlar tili, keng qamrovli ta'lim-tarbiya, ilm-fan tili darajasiga ko'tarildi.

"O'zbekiston Respublikasining "Davlat tili haqida"gi qonuni qabul qilinganining o'ttiz yilligini nishonlash to'g'risida"gi qarorni imzoladi.

2019-yil 21-dekabrda "O'zbek tilining davlat tili sifatidagi nufuzi va mavqeyini tubdan oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmon qabul qilinib, uning ijrosini ta'minlash uchun 2020-2030-yillarda o'zbek tilini rivojlantirish hamda til siyosatini takomillashtirish Konsepsiyasi ishlab chiqildi.

imlo qoidalariga tayanib ish yuritishga o'tishi kerak. Bizda, avval boshdanoq, yangi alifboni o'rganish va amalga tatbiq etish borasida qat'iyatlik talab etilmaganligi sababli yangi alifboda savod chiqargan yoshlar bugungi kunda yangi o'zbek alifbosida, kekxa avlod vakillari kirill yozuvi asosidagi alifboda, o'rta avlod esa har ikkalasida ham ish olib boryapti. Taassufki, qariyb o'ttiz yildan beri alifboni joriy etish bo'yicha qat'iy bir qarorga kelinmadi.

Aslida amalga tatbiq etilayotgan yangi alifbo biz uchun mutlaqo yangi bir alifbo emas. Chunki bu alifbondan xalqimiz 1929-yildan 1940-yil sentabr oyigacha foydalangan. O'sha alifboning tarkibi quyidagicha edi: Aa(o), Bb, Cc(che), Cc(дж), Dd, Ee(e), Ee(a), Ff, Gg, Qq(re), Hh, Ii, Jj(i), Kk, Ll, Mm, Nn, Dn(нr), Oo(y), Pp, Qq, Rr, Ss, Ss(ш), Tt, Uu, Vv, Xx, Z, z, Z(ж). Mazkur alifboda 30 ta harf bo'lib, ularning oltitasi unli: Aa(o), Ee(a), Ee(a), Oo(y), Uu(y) va qolgan 24 tasi undosh tovushlarni ifodalash uchun xizmat qilgan. Bu alifbodagi o'ntagina harf hozir qo'llanilayotgan harflarimizdan shakl jihatidan biroz farq qiladi: Aa(o), Cc(che), Cc(дж-jo'ja), Ee(a), Qq(re), Jj(i), Dn(нr), Oo(y), Ss(ш), Z z(ж-jurnal).



Sakson mingdan ortiq so'z va iboralarni qamrab olgan besh tomli "O'zbek tilining izohli lug'ati" va imlo lug'atlari nashr etilishining o'zi mustaqil davri madaniyatimizning katta yutug'i bo'ldi. Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universitetining tashkil etilishi esa mamlakatimizda katta madaniy-ma'rifiy voqea bo'ldi. Yangi alifboning qabul qilinishi chet mamlakatlarda o'zbek tilini o'rganishga bo'lgan qiziqishni yanada oshirdi. O'zbek tili o'tgan asrning oxirlarida dunyoning 10-15 universitetida o'qitilgan bo'lsa, bugungi kunga kelib ularning soni 60 dan ortdi.

Bu qonunlar ijrosini ta'minlashga ketgan vaqtni ikki davrga bo'lish mumkin. Ya'ni, 2017-yilgacha va undan keyingi davrdagi ijrosi deb qiyoslasak bo'ladi. Chunki 2017-yildan mazkur ikki qonunning ijrosi bo'yicha ham jiddiy takliflar o'rta qatashlandi, ayniqsa, davlatimiz rahbari tomonidan muhim farmon va qarorlar qabul qilindi. Xo'sh, ushbu qonunlar ijrosini ta'minlash borasida keyingi yillarda qanday natijalarga erishildi?

2017-2018-yillarda "Davlat tili haqida"gi hamda "Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy etish to'g'risida"gi qonunlarning ijrosi bo'yicha Respublika vaqtili matbuoti sahifalarida, internet saytlari va ijtimoiy tarmoqlarda jonli bahs-munozaralar bo'lib o'tdi. Ularda qonunlar ijrosidagi sustkashliklar keskin tanqid qilindi, mavjud muammolarni hal etishga doir ko'plab foydali taklif va mulohazalar ham bildirildi. Bunday taklif va mulohazalarni o'rganish, umumlashtirish va ular asosida ma'lum xulosalar tayyorlash uchun tegishli komissiyalar, ishchi guruhlar tuzildi, ularning hisobotlari tinglandi, muammolar yechimiga bag'ishlangan ilmiy-amaliy anjumanlar o'tkazildi.

2019-yil 4-oktabrda Prezidentimiz

Farmonga binoan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tuzilmasida to'qizta shtat birligidan iborat Davlat tilini rivojlantirish departamenti tashkil etildi va uning tuzilmasi, vazifalari tasdiqlandi.

Bu borada bajarilgan ishlar ichida vazirliklar, hokimliklar, yirik korxonalar va muassasalarda rahbarning ma'naviy-ma'rifiy ishlar samaradorligini oshirish, davlat tili to'g'risidagi qonun hujjatlariga rioya etilishini ta'minlash masalalari bo'yicha maslahatchisi lavozimini kiritilganligini alohida ta'kidlash lozim. Viloyatlar va tumanlar hokimlarining maslahatchilari o'z viloyatlarini, tumanlari va shaharlarida mazkur qonunlar ijrosi bo'yicha dastlabki ishlarni amalga oshirishga kirishdilar.

2020-yil 10-aprelda 21-oktabrni rasman O'zbek tili bayrami kuni etib belgilash to'g'risida O'zbekiston Respublikasining qonuni qabul qilinib, 20-oktabrda "Mamlakatimizda o'zbek tilini yanada rivojlantirish va til siyosatini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni e'lon qilindi. Farmonga binoan mazkur qonunlar ijrosini ta'minlash bo'yicha yanada katta ishlarni amalga oshirish belgilangan. Shu vazifalardan biri - Vazirlar Mahkamasi uchun muddatda lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosiga to'liq o'tishni ta'minlash uchun ishchi guruhi tashkil etish, aniq chora-tadbirlar belgilash, ularni moliyalashtirish manbalari va hajmlarini nazardagi tuzuvchi "Yo'l xaritasini"ni ishlab chiqish hamda Prezident Administratsiyasiga taqdim etish topshirildi.

Endi mazkur qonunlar ijrosini to'liq ta'minlash masalasiga kelsak, avvalo, davlat tilini o'rganish, o'rgatish, o'qitish, hujjatlarini tom ma'nodagi savodxonlik bilan yuritish uchun mukammal, yagona o'zbek alifbosini joriy etish lozim. Mamlakat doirasida hamda bitta alifboda va u asosida ishlab chiqilgan

bilan bir qatorda, o'zbek tilining o'ziga xos burun tovushini ifodalovchi NG ng harflar birikmasining ham "adashib" kirib qolganligi tilimizni o'rganuvchilarni ham, maktab o'quvchilarini ham chalg'itib kelyapti.

Yozuvda so'zlar tarkibidagi ng harflar birikmasini har ikkalasi mus-

Table with columns: Tr, Harflar, Nomi, Kirill, Hozirgi. It lists the mapping of Latin letters to Cyrillic and current Uzbek letters.

taqil holda, alohida [n] va [g] undosh tovushlarini ifodalovchi n va g harflaridan farqlashning hech ham imkoni yo'q. Chunki ular shakl jihatidan bir xildir. Masalan, quyidagi so'zlarda ma'no farqlash uchun xizmat qiladigan ng harflar birikmasi bilan yoziladigan burun tovushli so'zlarni alohida n va g tovushini ifodalovchi harflar bilan yoziladigan so'zlardan talaffuz etish orqali ularni bir-biridan farqlashning hech ham iloji yo'q. Marhamat, ularni yozuvda farqlab ko'ring: tanga (mayda, chaqa pul) - tanga (tanaga, gavdaga), ko'ngil (yurak, qalb) - ko'ngil (rozi bo'lib), tongin (tong paytini) - tongin (inkor et), singil (qiz qarindosh) - singil (sinish), to'ngimoq (sovoqotmoq, muzlammoq) - tungi (tun paytidagi), o'ngimoq (rangi o'chmoq, eskirmoq) - o'ngga (o'n soniga) - o'ngga (o'ng tarfaga), engil (ust-bosh) - engil (pastga tush) va hokazo.

Xo'sh, bu so'zlarning qaysi biri ng burun tovushini ifodalovchi harflar birikmasi bilan, qaysilari n va g mustaqil harflari bilan yozilgan? Tilimizda bunday so'zlar juda-juda ko'p. Ular yozuvda ng burun tovushini ifodalovchi harflar birikmasi hamda n va g mustaqil harflari bilan bir xil shakllarda beriladi, bunday so'zlarning qaysi birida ng harflar birikmasi, qaysi birida esa har biri bir mustaqil undosh tovushni ifodalovchi alohida harf ekanligini farqlab farqlanmasa, talaffuzda qanday farqlash mumkin? Vaholanki, bu tovushlar nutqimizda yaqqol farqlanadi, so'zga boshqa ma'no va jilo beradi, so'zlovchi va tinglovchi talaffuzdagi ana shu farqlilikka qarab ularni o'z o'rnida qo'llayveradi. Afsuski, buni farqlay olmaydigan o'quvchilar, talabalargina emas, ayrim teleradio boshlovchilari,

suxandon va jurnalistlar ham [ng] burun tovushini alohida [n] va [g] undosh tovushlari kabi qo'pol urg'u bilan akan-giz, maqsadin-giz, istaginn-giz va hokazo tarzda noto'g'ri talaffuz etib kelishmoqda. Vaholanki bu so'zlar aka-ngiz, maqsadi-ngiz, istagi-ngiz, bola-chaqa-ngiz, ko'ngli-ngiz tarzida muloyim, ohangdor talaffuz etilishi lozim. Agar yangi alifbomizda [ng] burun tovushini ifodalovchi alohida Dn harfi olinganda edi, bu muammo o'z-o'zidan bartaraf etilgan bo'lar edi.

Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti qoshida tuzilgan yangi alifboni isloh qilish bilan shug'ullanuvchi ishchi guruhi tomonidan taklif etilayotgan alifbomiz quyidagi tartib va tarkibda berilgan:

Agar taklif etilayotgan ushbu alifbo sirasidan "Ng ng" harflar birikmasi va tutuq belgisi chiqarilsa, 28 ta, agar shu harflar birikmasi o'rniga bitta shakli Dn belgisi olinsa, 29 ta harf qoladi. Alifbo tarkibiga tilimizga baynalmilal so'zlar tarkibida o'zlashgan [u] undosh tovushini ifodalovchi "Cc" belgisi kiritilsa, ma'qul bo'lar edi. "Cc" harfini alifbomizga kiritish bilan biz, birinchidan, tilimizga taraqqiy etgan dunyo tillaridan o'zlashgan shunday tovushli yuzlab so'zlarni yozishda bir xillikka erishar edik, ikkinchi tomondan, alifbomiz tarkibi ham dunyo tillarida qo'llanilayotgan, kompyuter va boshqa yozuv texnikalarida mavjud standart 30 ta harf bilan

mukammallik kashf etib, quyidagicha ko'rinish olar edi: Aa, Bb, Cc, Dd, Ee, Ff, Gg, Hh, Ii, Jj, Kk, Ll, Mm, Nn, Oo, Pp, Qq, Rr, Ss, Tt, Uu, Vv, Xx, Yy, Zz, Oo, Gg, Ss, Cc, Dn(imlo qoidalariga asosida o'rganiladigan) - tutuq belgisi).

Alifboda ikkita harfining ortiqcha yoki kamligi tilimizni o'rganuvchilarga ham, maktab o'quvchilariga ham unchalik katta qiyinchilik tug'dirmaydi. Aksincha, bunday tovushli baynalmilal so'zlarni bexato yozishga asos bo'ladi. Axir 20 mingga yaqin iyerogilif bilan yaponlar, 40 mingga yaqin iyerogilif bilan xitoyliklar dunyoning ilg'or ilm-fanini egallabgina qolmasdan, zamonaviy elektrotexnika, turli betakror sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish va boshqa ko'plab sohalarda ilgari ketishlariga necha ming yillik tarixga ega murakkab yozuvlari zarra-cha xalqaq berayotgani yo'q.

Biz ham oldimizda turgan eng muhim - yangi alifbomizni takomillashtirish muammosi mohiyatini to'g'ri tushunib, ortiqcha ehtirosli bahslarga berilmasdan, yozuvimiz va imlomizni - alifbomiz va imlo qoidalarimizni mukammallashtirib, ularning kamchiliklarini bartaraf eta olsak, birinchi galda, tilimiz taraqqiyotiga katta yo'l ochamiz, qolaversa, yoshlarimizning, tuban xalqimizning savodxon bo'lishiga, tilimizni o'rganayotgan boshqa millat va elat vakillariga katta yengillik yaratishga erishamiz. Alifbomizni mukammal holga keltirmas ekanimiz, uning yangi imlo qoidalarini takomillashtirish, "Davlat tili haqida"gi hamda "Lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy etish to'g'risida"gi qonunlarning ijrosini to'liq ta'minlashga erishish bo'yicha bahs yuritishning o'zi ortiqchadir.



Mardon BOLTAYEV, SamDU dotsenti.

Ajdodlarimizdan avlodlarga utib kelaётgan madaniy va maъnaviy бойликлар - достон, эртақ, ривоят, ҳикматли сўзлар, мақол ва маталлар бошланғич синф дарсликларида ҳам ўз аксини топади.

Сўздан «сўз»нинг фарқи бор

Халқ оғзаки ижоди намуналари орасида мақолларнинг алоҳида ўрни бор.

"Мақол" сўзи арабча бўлиб, "сўз" демакдир. Унда фикр аниқ, хулоса тугал, ифода лўнда ва ҳукм тарзида бўлади.

Мақоллар халқнинг донолиги намунаси. Унда кишилар ҳаётни обдон кузатиб, тажриба тўплаб айтган ҳикматли сўзлари ўз ифодасини топади. Шейрий шаклда изҳор этилган мақолларнинг мавзуси ранг-барангдир.

Мақоллар яшовчанлиги, асрлар давомида шаклланиб, сайқал топиши, тарбиявий аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Туркий халқларнинг мақолларидан намуналар дастлаб Маҳмуд Кошғарийнинг "Девони луғотит-турк" асарида келтирилган. Бу мақолларнинг бир қанчаси ҳозир ҳам кенг қўлланилади. Ҳажман қисқа, ammo мазмунан кенг тушунчани аналитувчи ҳикматли сўзлар турли мавзуларни қамраб олган.



Кундалик ҳаётимиз давомида деярли ҳар кун ичун келадиган яна шундай мақоллар борки, уларда жамиятдаги турли табақа, соҳа кишиларининг образлари учрайди. Масалан, "Кулол мундидан сув ичар", "Тенг тенги билан, тезак қоли билан", "Подачи қизининг пода қайтганида ғайрати келар", "Пазанданинг гўжасидан ош чиқар, ношуднинг паловидан тош чиқар" каби мақоллар бирор ҳолат ва вазиятдан келиб чиқиб айтилганки, уларга эслатма ёки тарбиявий ним кулги, ҳазил-мутойиба, киноя ҳам сингдирилган.

Инсонларни асрлар давомида эзгуликка, олижанобликка ундаган, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаган, фаровонлигини улуғлаган халқ мақоллари катта ҳаётни дарсдор. Шундай экан, бошланғич синф ўқувчиларига ушбу маънавий меросни ўргатиш фарзандларимизни оқил ва қомил бўлиб воёга етишига замин яратлади.


Мавлуда ҚУРБОНОВА, Тойлоқ тумани 4-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

Бир пайтлар оилавий суратлар альбомда сақланарди. Ҳаётимиздаги яхши, бахтли дамлар, тўй, туғилган кун, фарзандлар, биринчи устозимиз билан тушган суратлар ҳам альбомдан жой оларди. Одатда бу суратлар оила даврасида томоша қилинарди. Мактабда ўқиб юрган кезларимиз синфдош дугонан ана шундай альбом олиб келганди. Биз сурат томоша қилиб ўтирганимизда, устозимиз синфга кириб келди. Дугонамга суратларингни мактабга олиб келма, улар оила даврасида томоша қилинади, деди. Шу-шу, биз мактабга оилавий суратларимизни олиб келмайдиган бўлдик. Бу бизга бир умрлик сабоқ бўлди. Бугун ижтимоий тармоқларда оилавий, баъзида фақат ўша оиланинг ўзигина кўриши керак бўлган суратларни кўрганимизда, негадир устозимнинг сўзлари ёдимга тушаверади. Ҳозир суратларни қаерда сақлаяпмиз? Телефонда, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларимизда.

Уйдаги гапни ижтимоий тармоқда айтманг!

Олдин бирор киши билан танишмас саволлар берардик. Ҳозир эса ижтимоий тармоқларда бунга ҳоҳат ҳам қолмаган. Танишмоқчи бўлган кишининг саҳифасида барча маълумотлар бор. Тўғри, бунинг ёмон томони йўқ, бугунги давр шуни тақозо қилмоқда, қайсидир фаолиятида асқотади. Аммо ёшлар орасида шундайлари борки, бир кунда 24 соат бўлса, ҳар бир соатини ижтимоий тармоқларда ёритиб боради. Қизларнинг йигити севги изҳор қилганини ёки аксинча, ўрталаридаги муносабатнинг ёмонлашгани, оиласидаги

муаммолар, унаштирилгани, тўй, ҳомилдорлиги қандай кецаётгани, туғруқхонадан чиқиши... Ҳаммасини ёритиб боради. Қиз бола сирли бўлиши керак, дейишади. Лекин ижтимоий тармоқларни кузатарканмиз, сирлилиқ у ёқда турсин, ўзида бору йўғини намоён қилаётган саҳифа эгалари ҳақида қандай хулоса чиқаришни билмай, ҳуноб бўласиз. «Уйнинг гапини кўчага чиқарма» деган гапни бугун «уйнинг гапини ижтимоий тармоқда ёритма», деб бемалол талқин



қилсак бўлади.

Яхши биласиз, миллий қадриятларимизда чилла деган тушунча бор. Янги туғилган чақалоқ қирқ кунгача чиллали бўлади. Чилласи чиқмаган чақалоқни турли назар-

лардан, тиббиёт тили билан айтадиган бўлсак, турли вируслардан химоя қилиш учун қариндош-уруғ ҳам кўришга келмайди. Ҳозирги чақалоқларни туғилганидан бошлаб суратга олиб ижтимоий тармоқларда расмини жойлаштиришади. Уларни турли назарлардан асраш керак эмасми? Қизлар ҳис-туйғуларга берилувчан, деймиз. Аммо кейинги пайтларда «ўлдим, кўйдим» қабилидаги постлар йигитларнинг

Мулоҳаза учун мавзу

саҳифаларида ҳам кўп учраяпти. Жуфти ҳалолнинг ярим-яланғоч кийинган тўйдаги суратини бемалол ўз саҳифаларига жойлаштириб, кўз-кўз қилишади.

Интернет тармоқларида инсонларнинг қизиқиши, кунини қандай ўтгани, ҳаммасини билиб борса бўлади. Еган овқати, тайёрлаган таомларини ёритиб боради. Соғлиғи ёмонлашиб шифохонага туша, соғайиб кетгунча интернетга расм ташлаб туради.

Хуллас, ижтимоий тармоқлар шундай улкан қозонки, унда ҳар қандай махсулотни кўриш мумкин. Беихтиёр шу «қозон»нинг қорасига ўралашиб қолсан, киши.

Муниса ШАМСИЕВА.

ЁНИМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Турколог ва диалектолог олим

Бугунги ўзбек тилшунослиги эришган ютуқларда филология фанлари доктори, профессор Жўлибой Элтазаровнинг муносиб ҳиссаси бор.

Ж.Элтазаров 1960 йилда туғилган. Ёшлигидан адабиётга меҳр қўйди. Бўш вақтида бадий китоблар ўқиди, изланди, шунингдек, рус, инглиз, турк тилларини кунт билан ўрганди.

Чет тилларни яхши билган Жўлибой Элтазаров қатор йиллар хорижий мамлакатлар университетларининг тақлиф этилган профессори сифатида фаолият юритди.



Тилшунослик соҳасида тинимсиз изланишда бўлган олим "Сўз туркумлари ҳақидаги лингвистик назариялар", "Қадимги туркий тил", "Жанубий Корея: ўтмиш ва бугун", "Тилдаги тежамлилик тамойили ва қисқарув", "Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ҳамда

кўчиш ҳоллари" каби дарслик, монографиялар муаллифи бўлди.

2007 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шунингдек, 2007-2010 йилларда Япониянинг Осака университети Жаҳон тиллари институти, 2010-2014 йилларда Туркиянинг Мугла Ситки Кочман университети ҳозирги туркий тиллар кафедрасида фаолият юритди, тажриба орттирди.

Жўлибой Элтазаровнинг меҳнат фаолияти бевосита Самарқанд давлат университети билан боғлиқ. У университетда катта илмий ходим, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири лавозимларида ишлади.

Тажрибали, талабчан ва билимли раҳбар сифатида танилган Жўлибой Элтазаров жорий йилда "Ипак йўли" туризм халқаро университетининг биринчи проректори этиб тайинланди.

"Ипак йўли" туризм халқаро университети жамоаси, ўзбек тили ва адабиёти ҳамда ижтимоий фанлар кафедраси довлани муборақ 60 ёши билан чин дилдан қутлайди. Олимга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ ҳамisha ҳамроҳ бўлсин. Илмий-педагогик ишларида ривож тилаймиз!

Дилноза Йўлдошева, филология фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори.

Турди бобонинг ҳаёт фалсафаси

Турди Турсунов Пайариқ туманидаги Истиқлол маҳалласида истиқомат қилади. Суяги меҳнатда қотган. Кўп йиллар ўқитувчилик қилган, яхшигина ижодкор. Мен у киши яшаётган кўчадан ҳар кун икки марта ўтаман.

– Инсон ўзи учун яшамаслиги керак, – дейди Турди бобо. – Агар ҳамма лоқайд, менга нима деб кетаверса, жамият келажаги нима бўлади? Бу ҳақда қайғуриш, аввало, биз кексаларнинг вазифаси.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда Ж.Элтазаров шу университетнинг ўзбек тили ва адабиёти ҳамда ижтимоий фанлар кафедрасининг профессори сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Бу гаплар бировлар учун аҳамиятсиздир, аммо Турди бобо ҳаёти давомида ўзи айтаётган гапларга амал қилиб келмоқда.

Турди бобонинг умр дафтарини varaқлаймиз. У 1940 йил Пайариқнинг Одилов қишлоғида туғилган. Болалиги оғир кийинчилик йилларига тўғри келди.

– Нафақа ёшимда шеъринга қизиқшим тобора ортмоқда, – дея сўзига давом этади Турди бобо. – Бу энди ҳаёт давомида тўплаган тажрибаларим, умр йўлимдан келиб чиқиб, фарзандларимга, набираларимга айтмоқчи бўлган, айтаётган гапларим. Уларни шеърини сатрларда ифода этгим келади.

Дастлаб қўшни Иштихон тумани қишлоқларидаги мактабларда ўқитувчи,



Сирдарё вилояти Шароф Рашидов номли туман газетасида муҳбир, 1977-1983 йилларда Пайариқ тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида муҳандис-энергетик бўлиб ишлади. Фидойилиги, касбига илҳоси баландлиги билан бошқаларга ўрнак бўлди. Шундан сўнг 148-хўнара-техника билим юртида ўқитувчи-уста бўлиб, нафақага чиққунча фаолият кўрсатди.

У киши қаерда ишласин, ўз севган касби – муҳбирликни тарк этмади. Ўзининг хабар, лавҳа ва шеърлари билан туман, вилоят, республика газеталарида фаол қатнашиб келади.

Турди бобо "Умр зийнати", "Сен гўзалсан", "Дунё қалити", "Кўз мунчоқ", "Илҳом чашмаси", "Қўшиққа солдим" каби ўндан зиёд китобларнинг ҳам муаллифидир.

– Нафақа ёшимда шеъринга қизиқшим тобора ортмоқда, – дея сўзига давом этади Турди бобо. – Бу энди ҳаёт давомида тўплаган тажрибаларим, умр йўлимдан келиб чиқиб, фарзандларимга, набираларимга айтмоқчи бўлган, айтаётган гапларим. Уларни шеърини сатрларда ифода этгим келади.

Турди Турсунов 80 ёшни қарши олаётган бўлса-да, кексаларга бўйин бермай, фарзанд-у набиралари даврасида эъзоз ва ҳурматда ҳаёт кечирмоқда. Инсон учун бундан ортиқ бахт бўлмас керак.

Азамат ТОВБОВЕВ, Ҳусниддин ХОЛДОРОВ.

Тухум диабет чақирадими?



Яқинда матбуотда тухум диабет чақириши ҳақида хабарлар пайдо бўлди. «Битта тадқиқот натижасига кўра, узил-кесил «Ҳа» дейиш кийин», дейди врач-психондocrinолог, Россия диабет ассоциацияси президенти Михаил Богомолов.

«АиФ» (2020 йил, 48- ва 49-сонлари)дан Т.МУРОД тайёрлади.

Дори ичишни эслатувчи ускуна яратилди

Дори ичиб турувчилар энди буни эсдан чиқариб қўйишдан хавотир олмасалар ҳам бўлади. Новосибирск давлат техника университетиде таблеткаларнинг автоматик дозатори яратилди.

«АиФ» (2020 йил, 48- ва 49-сонлари)дан Т.МУРОД тайёрлади.

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта – сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбop / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

Самарқанд вилоятида автотранспорт соҳасида қуйидаги шахар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ички йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун 2021 йил 27 январь кунини соат 10:00 да ОЧИҚ ТЕНДЕР ТАНЛОВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

- Шаҳар автобус йўналишлари:
ША "7" – "Темирйўл АББ – Самарқанд туман шифохонаси";
ША "8" – "Янгиобод маҳалласи – Қорасув массиви (Обод маскан маҳалласи)";
ША "10" – "Темирйўл АББ – Ипак йўли бозори";
ША "13" – "Руҳобод боғи – Самарқанд туман шифохонаси айланма";
ША "14" – "Нефт омбори – Сиёб АББ";
ША "15" – "Темирйўл АББ – Кимё заводи";
ША "22" – "Темирйўл АББ – Пистамозор қишлоғи";
ША "30" – "Сартепа маскани – Қорасув массиви (Обод маскан маҳалласи)";
ША "31" – "Сил касалликлари шифохонаси – Самарқанд АББ";
ША "32" – "Дўстлик маҳалласи – Байдаков қишлоғи";
ША "35" – "Ҳазора АББ – Қорасув массиви (Обод маскан маҳалласи)";
ША "37" – "Ертешар маҳалласи – Самарқанд АББ";
ША "58" – "Навобоғчиён – Ҳазора АББ";
ША "64" – "Сиёб АББ – Сартепа маскани";
ША "66" – "Узоқ лагер – Ипак йўли бозори";
ША "67" – "Янгиҳаёт маҳалласи – Ипак йўли бозори";
ША "85" – "Сартепа маскани – Халқлар дўстлиги маҳалласи";
ША "87" – "Сартепа маскани – шаҳар шифохонаси";
ША "91" – "Ҳазора АББ – Сиёб АББ";
ША "93" – "Кимё заводи – Ипак йўли бозори";
ША "99" – "Субҳидам бозори – 1-сон шаҳар шифохонаси";
ША "101" – "Навобод маҳалласи – Ипак йўли бозори";
ША "122" – "Шўрбойи – Сартепа маскани".
Шаҳар атрофи автобус йўналишлари:
ШАЙ "202" – "Мирбозор АББ – Каттакўрғон АББ (Мирбозор АББ томондан)";
ШАЙ "211" – "Мирбозор АББ – Юлдуз";
ШАЙ "218" – "Мирбозор АББ – Мушкент";
ШАЙ "224" – "Шоҳи Зинда АББ – Ғазара – Сўхмон";
ШАЙ "241" – "Зиёвуддин – Қарнаб";
ШАЙ "251" – "Мирбозор АББ – Дарайтут";
ШАЙ "258" – "Мирбозор – Дўрмон қишлоғи";

- ШАЙ "310-Э" – "Ҳазора АББ – Жума АББ";
ШАЙ "322" – "Шоҳи Зинда АББ – Хитой маҳалласи";
ШАЙ "351" – "Мирбозор АББ – Ғалаба";
ШАЙ "353" – "Жомбой туман газ – Шоҳи Зинда АББ";
ШАЙ "365" – "Шоҳи Зинда АББ – собиқ Амир Темураж/х.";
ШАЙ "367" – "Шоҳи Зинда АББ – Шайман бозори";
ШАЙ "371а" – "Жума АББ – Марказий шифохонаси";
ШАЙ "393" – "Янгиёул маҳалласи – Жомбой – Шоҳи Зинда АББ";
ШАЙ "394" – "Каттакўрғон АББ – Иштихон";
ШАЙ "395" – "Шоҳи Зинда АББ – Қорамуён".
Шаҳар атрофи йўналишли такси йўналиши:
ШЙТ "316в" – "Шоҳи Зинда АББ – Булунғур АББ";
ШЙТ "340" – "Ҳазора АББ – Гўзалкент кўрғони".
Шаҳарлараро-вилоят ички автобус йўналишлари:
ВХ "501" – "Ҳазора АББ – Ўртабўз қишлоғи";
ВХ "502" – "Ҳазора АББ – Олға қишлоғи";
ВХ "505" – "Мирбозор АББ – Зиёвуддин – Саҳоба";
ВХ "507" – "Оқтош – Ағрон";
ВХ "517" – "Ҳазора АББ – Каттакўрғон АББ";
ВХ "520" – "Ҳазора АББ – Улус қишлоғи";
ВХ "522" – "Ҳазора АББ – Сарикўл – Нурабод";
ВХ "529" – "Ҳазора АББ – Мирбозор";
ВХ "541" – "Самарқанд АББ – Жўш қишлоғи";
ВХ "546" – "Урганжи қишлоғи – Самарқанд АББ";
ВХ "558" – "Бозоржой (Оқчопсой) – Самарқанд АББ".
Очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, солиқ органлари ҳисобиде турадиган, автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро йўловчи ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер тақлифларида тавсия этилаётган ҳар бир транспорт воситаси учун лицензия varaқаларига эга бўлган барча юридик шахслар қатнашишлари мумкин. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ва банкротлик босқичида турган ёки мулкига таъқиқ қўйилган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди. Иштирокчи тендер тақлифлари шаклини тўлдирганда, ўз тақлифларидаги баҳо мезонларига алоқаси бўлмаган маълумотларни қўшмасдан, фақат сўралаётган баҳо мезонлари бўйича тўлиқ ва мукамал ахборот тақдим этишга мажбур. Давъогар тақдим этаётган тендер тақлифлари имзоланган ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак. Йўналишларда йўловчилар транспорт хизмати кўрсатиш юзасидан тендер қолиби билан шартнома камида 1 йил муддатга тузилади. Шартнома бўйича ишларнинг барча шартлари ташувчи томонидан риоя қилинган ҳолларда шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин. Тендер ташкилотчиси – шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ички йўналишларида йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси. Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар комиссияга тендер ҳужжатлари пакетларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Транспорту вазирлигининг 23402000300100001010 ҳисоб рақами, шахсий ғазна ҳисоб рақамига 4014108604262773422967279 (Банк коди: 00014, СТИР: 201122919) 1 та пакет учун 50 000 (эллик минг) сўм, 2 та пакет учун 75 000 (етмиш беш минг) сўм ва ундан ортиқ пакет олишни истаса, ҳар бир пакети учун 25 000 (йигирма беш минг) сўмдан ўтказиб, 2021 йил 22 январь кунини соат 18:00 гача бюротнома беришлари ҳамда тендер ҳужжатлари пакетларини олишлари лозим. (Ишончнома ва тўлов топшириқномаси тақдим этилиши шарт). Қатнашчи тендерда қатнашишдан бош тортганда, ундан олинган тендер ҳужжатлари пакети учун тўланган ҳақ қайтариб берилмайди. Тендер тақлифлари 2021 йил 26 январь соат 18:00 гача қабул қилинади. Комиссиянинг ишчи гуруҳи манзили: Самарқанд шаҳри, Амир Темураж кўчаси, 69-йў. Самарқанд вилояти транспорт бошқармаси биноси. Мурожаат учун телефонлар: 66-233-71-12, 66-233-31-38, 71-202-05-00 (қисқа рақам – 231).

ДАЪВОЛАР БЎЛСА
Ургут туманидаги "RASSVET LAZER PLUS" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 301320724) ўз устав фондини 251 483 815 (икки юз эллик бир миллион тўрт юз саксон уч минг саккиз юз ўн беш) сўмдан 138 329 851 (бир юз ўттиз саккиз миллион уч юз йигирма тўққиз минг саккиз юз эллик бир) сўмга камайтирмоқда.
Шу муносабат билан унга билдирилдиган барча давъолар газетада эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.
Манзил: Ургут шаҳарчаси Дўстлик маҳалласи, Почвон кўчаси, 17-йў.
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Рамазанов Нуршен Уршеневич нотариал идорасида марҳум Раджабова Собира Шарифовнага (2020 йил 13 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Рамазанов Нуршен Уршеневич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Регистон кўчаси, 38-йў.
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасида марҳум Асадов Саидга (2019 йил 17 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Лутфий кўчаси, 80-йў.
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Гулям-Алиев Хаёт Хасановичга (2020 йил 21 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-йў.
Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азизов Джаҳонгир Илхомович нотариал идорасида марҳум Мирхамидов Аҳмадга (2011 йил 21 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азизов Джаҳонгир Илхомович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Жомбой тумани А.Қурбонов маҳалласи Сарой кўчаси.
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нурқосимов Рамзиддин Сайфидинович нотариал идорасида марҳум Эргашов Аваз Ҳамроқулловичга (2019 йил 31

октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нурқосимов Рамзиддин Сайфидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.
Манзил: Самарқанд шаҳри Жомий кўчаси, 80-йў.
БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Самарқанд давлат чет тиллар институтидан 2015 йилда Багирова (ҳозирда Ҳамроқуллова) Ситора Орифовна номига берилган рўйхат рақами 139, В № 825731 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Самарқанд давлат табибӣ институтини малака ошириш факультетидан 2010 йил 30 июнда Маматова Холида Раҳмановна номига берилган № 631 рақамли сертификат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Булунғур туманидаги 46-ўрта мактабдан 1992 йилда Мелибаев Бахриддин Каҳарович номига берилган А № 172707 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Булунғур туманидаги «XUSHBAKOV ISAQUL DALASI» фермер хўжалигининг (СТИР: 304223652) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Оқдарё туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабидан 2008 йилда Мусоева Феруза Шавкат кизи номига берилган А № 3112367 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
"ТЕМИРYO'L SUG'URTA" суғурта компанияси Самарқанд вилоят филиалига тегишли А4 форматдаги 14-005904 рақамли, серияси TSAU 0004062 рақамли, серияси TSAU 0004234, 0004244, 0004248 ва 0004255 рақамли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Ургут туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан 2002 йилда Раджабова Василя Матлабовна номига берилган У № 0541167 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Ургут тумани Қоратепа маийши хизмат кўрсатиш касб-хўнара коллежидан 2011 йилда Раҳмонова Нигора Ҳамироқул кизи номига берилган К № 2016202 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Самарқанд шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Пулатов Джамиш Маруфович номига берилган У № 1692778 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



«САМАРҚАНД ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*барча
юртдошларимизни*

ЯНГИ 2021 ЙИЛ

билан табриклайди.

**СЕРҚУЁШ ДИЁРИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ
ЙЎЛИДАГИ ФИДОКОРОНА МЕҲНАТЛАРИМИЗ
БАРАКАЛИ БЎЛСИН. ЯНГИ ЙИЛ ТЎКИНЧИЛИК,
ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК ОЛИБ КЕЛСИН!**

Хирмонингиз донга, қалбингиз қувонч ва шодликка тўлсин, азиз юртдошлар!



**2021 Янги йил
ЯРМАРКАСИ**

**“ТЕМИРЙЎЛ
ДЕҲҚОН БОЗОРИ”**
 масъулияти чекланган жамияти жамоаси

**ХУШ
КЕЛИБСИН**

халқимизни тобора яқинлашаётган

ЯНГИ ЙИЛ
билан қутлайди.

**Жонажон юртимизнинг порлоқ келажаги учун
сидқидилдан меҳнат қилаётган барча
ватандошларимизга сиҳат-саломатлик,
дастурхонларига қут-барака тилаймиз!**



**“САМАРҚАНД
ИПАК ЙЎЛИ”**
 масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*барча
ватандошларимизни*

2021

*йил билан
муборакбод этади.*

SONG'ASI

**ЗАРРАСИ ОЛТИНГА ТЕНГ ЗАМИНИМИЗ НЕЪМАТЛАРИ ХАЛҚИМИЗ РИЗҚ-РЎЗИДИР.
ОЛЛОҲ НАЗАРИ ТУШГАН ДИЁРИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН!**

САМАРҚАНД ШАҲАР ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

юртдошларимизни

ЯНГИ ЙИЛ

билан қутлайди.

СAMARQAND SHAHAR TIBBIYOT BIRLASHMASI SHIFOXONA MARKAZIY

ЯНГИ ОРЗУ-УМИДЛАР ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ЗАВҚИ БИЛАН ЯШАЁТГАН СИЗ, АЗИЗЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ТИЛАЙМИЗ!

Хизматлар лицензияланган.

“СИЁБ ДЕҲҚОН БОЗОРИ”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

халқимизни кириб келаётган

2021

ЙИЛ

билан муборакбод этади.

2021 ЙИЛ ДИЛЛАРГА ҚУВОНЧ ВА ШОДЛИК ОЛИБ КЕЛСИН!

“SAG AGRO” **BOGBON**

МЧЖга қарашли

“IN VITRO” лабораторияси жамоаси

барчани кириб келаётган

ЯНГИ 2021 ЙИЛ

билан самимий табриклайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Богбон” ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси фаолияти йўлга қўйилди. Уюшма таркибида Жомбой туманида 2,2 миллион АҚШ доллари ҳисобига “SAG AGRO” масъулияти чекланган жамиятига қарашли замонавий “In vitro” лабораторияси барпо этилди ва ишга туширилди. Ушбу маблағнинг 0,95 миллион АҚШ доллари имтиёзли кредит, 1,25 миллион АҚШ доллари ўз маблағи ҳисобланади. Ўзлаштирилган жами 2,2 миллион АҚШ долларининг 1,25 миллион АҚШ доллари қурилиш ва коммуникация учун, 0,95 миллион АҚШ доллари эса чет элдан (Туркия, Хитой ва Эрондан) лаборатория асбоб-ускуналари ва 1 гектарлик замонавий иссиқхона учун сарфланган.

Лаборатория учун жами 24,04 гектар ер ажратиб берилган бўлиб, шундан 0,24 гектар майдонда лаборатория, 1 гектар майдонда замонавий иссиқхона қуриб битказилди. 22 гектар ерда Ўзбекистонда учрамайдиган 32 та мевали дарахт кўчати олиб келиниб, парварири қилинмоқда.

Лаборатория энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Мазкур лабораторияда ёнғоқ, бодом, ўрик, беҳи ва хурмо каби мевали дарахтларнинг турли касаллик ва зараркундалардан холи бўлган ҳамда курғоқчиликка чидамли, маҳаллий иқлим шароитига мос пайвандтаглар ва пайвандланган кўчатлар етиштирилади.

Лаборатория жорий йилнинг биринчи чорагида иш фаолиятини бошлаган бўлса-да ҳозирда 80 та доимий ва 100 дан ортиқ мавсумий иш ўринлари яратилди. Лабораторияда 2021 йил баҳор мавсумида 1,5 миллион дона, куз мавсумида эса 2 миллион дона турли хил мевали ва манзарали кўчат етиштириш режалаштирилган. Босқичма-босқич 2023 йилдан ишлаб чиқариш қуввати бир йилда 20 миллион донга чиқарилади.

Ҳозирги кунда лабораториямиз Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Тошкент давлат аграр университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси геномика ва биоинформатика маркази билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Лаборатория қошида агрокимё ва тупроқшунослик лабораторияси ишга туширилиб, уюшма аъзолари томонидан келтирилган тупроқ, яроқ ва сув намуналари тўлиқ таҳлил қилинмоқда. Мазкур лабораторияда тупроқнинг 15 хил кимёвий кўрсаткичлари таҳлил қилинади.

Махсулотлар сертификатланган.

Аъло кайфият йил давомида сизга хамроҳ бўлсин!

Zarafshon

САМАРҚАНДСКИЙ
ЕСТНИК

© МУАССИСЛАР:
халқ
депутатлари
Самарқанд
вилояти Кенгаши
ва вилоят
ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр 100. Индекс 438.
9 703 нусхада чоп этилди. Буюртма 793

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.



Ҳажми 4 босма табоқ, бичими А-2

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.


МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй,
Матбуот уйи.

Газета “Зарафшон” таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Ношир люкс” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир:
Ғ.ҲАСАНОВ.Навбатчи:
Н.ЖОНТЎРАЕВА.Саҳифаловчи:
Б.АБДУЛЛАЕВ.

Сотува нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X



9 772010 1667009